Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши № 266 (13.222).

13 НОЯБРЬ 1965 йил ШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

ГАЗ ФОНТАНИ

«Шимолий Сўх» газ конида яқинда кучли газ фонтани отилиб чиқди. Бу газ фонтани бир суткада салкам бир миллион кубометр газ бермоқда. «Зангори ёқилғи» икки минг 250 метр чуқурликдан чиқди. Бу газ фонтани «Шимолий Сўх» конининг Фарғона водийсида энг истиқболли газ манбаларидан эканлигидан дарак беради. Мутахассисларнинг тахминий ҳисоблашларига кўра, ёқилғи запаси миллиард кубометрлаб ҳисобланади. (ЎзТАГ).

«ВЕНЕРА-2» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

Космик фазони ва Қуёш системасидаги планеталарни тадқиқ қилиш программасига мувофиқ, 1965 йил 12 ноябрда Совет Иттифоқида планеталараро автоматик станцияси бўлган космик ракета Венера планетаси томон учирилди.

Ракетанинг сўнгги босқичи аввал Ер сунъий йўлдошининг оралиқ орбитасига чиқарилди, сўнгра шу орбитадан учиб, вазни 963 килограммлик «Венера-2» автоматик станциясининг Венера планетаси томон парвоз қилишини таъминлади.

Танлаб олинган траектория бўйича автоматик станциянинг Венера планетасигача парвози қарийб уч ярим ой давом этади.

«Венера-2» автоматик станция планета томон ҳаракат қилиб борган вақтда унга ўрнатилган илмий аппаратлар ёрдами билан космик фазода кенг кўламда илмий тадқиқотлар ўтказиш кўзда тутилади.

«Венера-2» автоматик станция ичидаги аппаратлар химиявий ва Қуёш энергияси манбаларидан фойдаланади.

Телеметрик, ўлчаш ва илмий аппаратлар парвоз программасига мувофиқ, автоматик тарзда, шунингдек Ердан берилган радиокомандалар билан ишга туширилади.

Совет Иттифоқи территориясида жойлашган махсус ўлчаш комплекси автоматик станциянинг парвозини кузатиб туради, станция траекториясининг параметрларини белгилаб беради, илмий ахборотларни Ерга қабул қилиб туради.

«Венера-2» автоматик станция мўлжаллаб қўйилганига яқин траектория бўйича ҳаракат қилмоқда.

1965 йил 12 ноябрь, Москва вақти билан соат 12 да станция Ердан 56 минг километр масофада координатлари Ер сатҳининг шарқий узунлигининг 104 градус 19 минут ва шимолий кенглигининг 26 градус 37 минут бўлган нуқтаси устидан учиб ўтди.

«Венера-2» автоматик станция ичига ўрнатилган аппаратларнинг ҳаммаси нормал ишлаб турибди.

Координациялаш — ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларнинг ҳаммасини ишлаб чиқмоқда.

А. Н. Косигин Ҳиндистон молия министрини қабул қилди

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Москвада меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон молия министри Т. Т. Кришнамачарини 12 ноябрда Кремлда қабул қилди. Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси Т. Н. Кауль ва Ҳиндистон молия министрлигининг бирлашган секретари А. Мазумдар министрга ҳамроҳ бўлдилар.

А. Н. Косигин билан Т. Т. Кришнамачари ўртасида бўлган суҳбат дўстона вазиятда ўтди.

ГАЗЕТХОН ВА ЖУРНАЛИСТ

Ижодкор, талантли, қаҳрамон совет халқи партиямиз белгилаб берган улкан вазифаларни амалга ошириб, коммунизмнинг нурли чўққилари сари дадил олға бормоқда. Ижодий камолат, маънавий юксалиш учун ҳамма имкониятлар мавжуд бўлган совет жамиятида кишилар ҳаётида, дунёқарашида, меҳнатида йилдан-йилга катта ўзгаришлар юз бермоқдаки, бу билан ҳар биримиз фахрланамиз. Биз бугун нечагидек эмасмиз, эртага эса бугунгидан бардамроқ, кучлироқ бўламиз. Ҳаёт ривож топмоқда, шу билан бирга кишилар ҳам ўсмоқда, улғаймоқда, ақл-идроки ўсмоқда. Халқимизнинг маънавий эҳтиёжлари, талаблари ошиб бораётганлигини матбуотимизнинг тараққиёти, газета-журналлар тиражи ва шу билан бирга газетхонларимиз талаблари ошиб бораётганлигидан ҳам англаб олиш мумкин.

Ҳозир мамлакатимизда 65 тилда 6500 дан кўпроқ газета бир йўла 100.000.000 нусхага яқин босиб тарқатилмоқда. Бизда газета олмайдиган, уни ҳар куни ўқимайдиган бирор хонадонни топиш қийин.

Жонажон Ўзбекистонимизда еттита тилда 170 дан ортиқ газета бир йўла 2.000.000 га яқин нусхада нашр этилаётгани матбуотимизнинг нақадар равнақ топганининг рамзидир. Бизда газета нашр қилиш ва тарқатиш ана шундай гигант кўламлар касб этди! Бу жамиятимиз моддий ва маънавий ҳаёти юксак камол топаётганлигининг, турмушимиз фаровонлиги ва маданияти илгарилаб бораётганлигининг ёрқин далилидир.

Ушбу рақам ва кўрсаткичлар қанчалик завқли ва хайратомуз бўлмасин, улар ишнинг миқдор жиҳатини, кўпроқ сиртқи томонини акс эттиради, албатта. Қаҳрамон халқимизнинг қайнар булоқдек ижодий меҳнати, унинг мамлакатимизда коммунизм қуриш учун фидокорона кураши — газеталаримизнинг асосий мазмуни, бош мундарижасидир. Лекин матбуот органининг, аввало, газеталаримизнинг фаолияти шу миқдор ва мазмун кўрсаткичлари билангина кифояланмайди. Халқ матбуоти, Ленин таъбири билан айтганда, коллектив пропагандист, агитатор ва ташкилотчи бўлган газеталаримиз бу фазилатлари устига яна чинакам замонавий ҳам бўлмоғи, ўз замондошлари — газетхонлар савиясида турмоғи, балки ундан ҳам илгарида бормоғи лозим.

Партиямиз Программасида, Марказий Комитет сентябрь Пленуми қарорларида хўжалик ва маданий тараққиётимизнинг улуғвор, жуда мураккаб вазифалари, экономикамизни, унинг юзлаб тармоқлари ва минглаб корхоналарини бошқаришнинг илмий-практик жиҳатдан етарли пухта йўллари белгилаб берилди. Бу чинакам революцион режалар ва йўл-йўриқларни чуқур билимли, юксак малака ва маданиятли, нозик дид ва ўткир зеҳн-заковатли кишилар рўёбга чиқармоқда.

Эндликда жанговар, таъсирчан, ҳозиржавоб матбуот органи бўлишни истаган газета ўз газетхони ва газетхонлар оммаси кимлиги ва қандайлигини жуда яхши билиб олмоғи лозим. Ҳозирги газетхон узоқ ўтмишимиздаги нодон ва саводсиз киши эмаслиги у ёқда турсин, Октябрдан сўнгги дастлабки даврнинг эндигина оқ-қорани таниб, савод чиқариб олган кишиси ҳам эмас. Ҳозирги газетхон шунчаки саводли киши ҳам эмас, балки чуқур билим-маърифатли кишидир, оддийгина қунар эгаси бўлмай, балки юксак малака-маҳорат соҳиби, фақат онгли кишигина эмас, балки мустаҳкам коммунистик эътиқоди, қоявий-сиёсий етук инсон — коммунизмнинг актив қурувчисидир.

Мамлакатимизда, жумладан, республикамизда тобора кўпроқ нусхаларда тарқалиб, муттасил севиб ўқиладиган газеталар ўз фаолиятида ана шу газетхонни кўз ўнгида тутмоқда. Лекин бир қанча газеталар ҳақида, масалан Сурхондарёдаги «Ленин байроғи», шунингдек «Бухоро ҳақиқати» область газеталари, Ўрта Чирчиқ районидаги «Машъал», Бухоро районидаги «Ленин байроғи» газеталари тўғрисида бундай ижобий фикрларни айтиш қийин. Бу матбуот органларининг анча маҳорат билан ёзилган ва уюштирилган мақолалар ҳам эътиборсиз қолаётганлиги билан бирга шуни ҳам айтмоқ керакки, бу газеталар саҳифаларидаги аксари материаллар ҳозирги газетхон савиясига, дидига, билими ва маданияти даражасига жавоб беролмаётир. Республикамиздаги энг йирик—Андижон областида чиқадиган «Коммунист» газетасининг «Қалампир-туз» рубрикаси билан босиладиган материалларидан айниқса қаноат ҳосил қилиб бўлмайди. Бу материалларнинг кўпчиллигидан ранжийсан, киши. Умуман газеталаримиздаги айрим рубрика ва бўлимларнинг «Қалампир-туз», «Ортўқмоқ», «Шапалоқ», «Тепки» тарзида атилиши замонамиз руҳига, газетхонимиз дидига унча мос келмай қолмоқда.

Партия саноат тараққиёти ва уни бошқаришнинг, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва деҳқончилик маданиятини юксалтиришнинг энг зарур ва мураккаб проблемаларини ҳал қилаётган, янги техника ва технологияни, фан ва илғор тажриба самараларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш йўлини изчиллик билан амалга ошираётган бир пайтда газета материалларининг бундай ночорлигига ортиқ тоқат қилиб бўлмайди. Саноат корхонаси, қурилиш объекти, транспорт тармоғи, колхоз-совхоз ишлаб чиқаришининг экономикаси, хўжалиққа раҳбарлик қилишнинг барча мураккаб масалалари, партия ва бошқа жамоат ташкилотларининг жанговар фаолияти эўр малака ва маҳорат билан ёритилган материаллар газеталаримиз саҳифасини ҳар куни безамоғи лозим.

Газетхонлар оммасининг матбуотимизга талаби тинмай ўсиб бормоқда. Бизнинг газетхонимиз ниҳоятда сезгир, синчков, талабчан газетхондир. Бас, шундай экан, ҳар бир матбуот органининг ходими, ҳар бир журналист ўз ижодида буни тўла ҳисобга олмоғи керак. Газетхонга ҳадеб узундан-узоқ насиҳат қилаверишдан, унга аллакачонлар жуда яхши маълум бўлган ҳақиқатларни нуқул уқтираверишдан журналист биринчи навбатда тийилиши лозим. Акс ҳолда у газетхоннинг ҳаёт тажрибаси ва билимига ишонмаган, бинобарин, уни ҳурмат қилмаган, балки ранжитган бўлиб чиқади. «Газетхон учун ҳамма нарсани «чайнаб» бериш керак, чунки у ҳали ҳамма вақт ҳам мустақил фикрлайвермайди», деб ўйлаган журналист катта хато қилган бўлади. Бундай журналист ўзига маҳлиё бўлиб ўзгаларни менсимай ўйлаган, аслида эса газетхондан орқада қолиб кетган журналистдир. «Менинг ишим ёзиб кўрсатиш-у, ўргатишдангина иборат», дегувчи бундай журналист жуда янглишади. Аслида унинг ўзи кўпроқ ўқиб-ўқиши, кўриб-кузатиши, ўрганиши керак.

Газетхонлар оммаси билан жонли алоқа боғлашнинг кўчма «летучка»лар, матбуот ва газетхонлар конференциялари, матбуот рейдлари сингари синалган формаларидан кенг фойдаланаётган газеталарнинг ишини хар тарафлама маъқуллаш, қўллаб-қувватлаш лозим.

Минглаб, миллионлаб газетхонларнинг ниҳоятда ишончи, уларнинг талаб ва истаклари совет матбуоти ходимлари, ҳар бир журналист зиммасига эўр масъулият юклайди. Газеталаримизнинг, бутун матбуотимизнинг, ҳар бир матбуот ходими ва журналистнинг кишиларимизни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига, коммунизм қурилиши ишига қўшадиган ҳиссаси тинмай ортаверсин.

Давлатга пахта сотиш планини биринчи бўлиб бажарган Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз деҳқонлари келгуси йил мўл ҳосилга тайёргарлик кўриш, ерни шудгорлашда ҳам районда пешқадамлик қиляптилар. Суратда: колхоз даласида ер ҳайдаш пайти.

Қ. Розиқов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЗАФАР САТРЛАРИ

Тошкентдаги 1 нон заводи коллективи КПСС XXIII съезди шарафига ошириляган мажбуриятлар олиб, уни муваффақиятли адо этаётир. Йил бошидан-буён планга кўшимча равишда 80 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Кейинги ўн ойда меҳнат унумдорлиги пландаги 0,3 ўрнига 4,7 процент ортди. Нон пиширадиган янги автомат печлар ишга туширилди. Энди ҳар кечакундузда 40 тонна нон тайёрланмоқда. Йил охиригача шундан печлардан яна иккитаси фойдаланишга топширилади.

А. КИМ.

●

Съезд шарафига вахтада туриб ишлаётган Қорақалпоғистон АССРдаги Мангит пахта тозалаш заводининг меҳнат аҳли ўн ойлик планга қўшимча анчагина маҳсулот тайёрлади. Е. Матризаев, Қ. Мадаминов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳар сменада планга қўшимча 7-10 процент маҳсулот тайёрлаб чиқараётирлар.

У. ИСКАНДАРОВ.

●

Самарқанддаги Лангар кон бошқармаси коллективи қазиб чиқараётган мармарлар республикамиз ва мамлакатимиздаги муҳим иншоотлар қурилишида кенг қўлланилмоқда. Кончилар маҳсулот ишлаб чиқаришни тобора жадаллаштириб, ўн бир ойлик планни барвақт адо этдилар. Съезд шарафига мусобақани авж олдираётган бошқарма механкашлари йиллик планни ҳам яқин қунлар ичида бажарадилар.

Э. АБДУЛЛАЕВ.

●

Қўқон электр машинасозлиги заводининг маҳсулотлари жаҳон бозорида ҳам юқори баҳо олди. Корхона коллективи маҳсулот ишлаб чиқаришни тезлаштириш билан бирга, хилларини ҳам кўпайтираётир. Яқинда балласт реостатлари, пайвандлаш трансформаторлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Электромашчилар съезд олди мусобақасига қўшилиб, йил охиригача планга қўшимча 90 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб чиқариш тараддудини кўраётирлар.

Ғ. ЛАТИФ.

СЎЗ—МАШЪАЛЛАРИМИЗГА

АГРОТЕХНИКАДА ИЗЧИЛЛИК

Деҳқончилик, хусусан пахтачилик агротехникада шаблонни ёқтирмайди. Чунки ҳар бир даланинг ва ҳатто ҳар бир картанинг ўзига хос хусусияти, тупроқ шароити бор. Бу хусусиятлар агротехникада изчилликни, ҳар бир даланинг шароитини тўғри ҳисобга олган ҳолда ерни эҳтиёжлашни, ҳамма тадбирларни об-тобида ўтказишни талаб этади. Колхозимизда ҳар йили шундай қилиняпти. Шунинг учун ҳам сурункасига пахта тайёрлаш планини тўла ва ошириб адо этмоқдамиз. Ҳосилдорлик йил сайин ошмоқда.

Бу йилги ғалабамиз айниқса катта бўлди. Давлатга 2750 тонна «оқ олтин» сотиб, пахта тайёрлаш йиллик планини қисқа муддатда — 18 иш кунида бажардик. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас пландан ташқари 500 тонна пахта тошириш ҳақида олган социалистик мажбуриятимизни ҳам ошириб адо этганлигимиз ҳақида қувончли рапорт йўлладик. Ҳозиргача пленимиз 125 процентдан ошиб кетди. Она-Ватан хазинасига қарийб 3500 тонна қимматбаҳо маҳсулот тўкдик. 700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 24 центнердан ошириб ингичка толали пахта олдик. 500 гектар ерга экилган совет сорти пахтасининг ҳар гектаридан 27 центнердан ортиқ ҳосил кутардик.

Сафар Мирзаев, Юсуф Толипов, Ҳабибжон Муродов, Ёдгор Бозоров, Бахшулла Шарипов, Муҳиддин Ҳожиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари колхозимизнинг улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшдилар. Сафар Мирзаев бошлиқ бригада пахтакорлари 80 гектар ернинг ҳар гектаридан ўртача 31 центнердан ҳосил олдилар.

Бобо деҳқонлар ернинг қадрига етсанг, у иссиқ ҳосилингни беради, дегандар. Биз бунга тўла амал қилиб келмоқдамиз. Пахта майдонларимизнинг рельефи, тупроғининг сув ўтказувчанлик хусусияти ҳар хил. Нишаб карталаримиз ҳам бор. Биз ерни ишлашда, яхоб беришда, ғўза ўсиш даврида, суғоришда, тупроққа ўғит солиш ва экинни озиқлантиришда ана шу хусусиятларни албатта ҳисобга оламиз. Қия карталарда эгатлар калта олинади. Текис далаларда ғўзага узун эгатлар орқали сув таралади. Тупроғи сувни секин ўтказадиган майдонлардаги ғўза ҳар бир эгатдан суғорилади.

Ерни кузда ҳайдаш, баҳорда шудгорни юмшатиш, чигит экиш ва экинни парвариш қилиш пайтида ҳам агротехника тадбирлари пахта майдонларимизнинг шароитига қараб ўтказилади. Бу изчиллик шу йил эрта баҳорда ва ёзда юз берган қийинчиликларни мардонавор енгиб, ҳамма майдонларда пахтадан мўл ҳосил етиштиришимизда катта аҳамиятга эга бўлди. Ҳосилдорлик ўтган йилдагига нисбатан гектарига 4 центнердан кўпроқ ошди.

1965 йил колхозимиз шароитида ҳосилни машиналарда теришда бурилиш йили бўлди. Бу йил пахтазорларимизда 9 та агрегат бетиним ишлади. Механизациялашган терим плани муваффақиятли бажарилди. Республикада хизмат кўрсатган механизатор Обида Ҳамроева ўз машинаси бункеридан 80 тонна, Мардон Остонов 75 тонна «оқ олтин» тўкди. Механик-ҳайдовчиларимиздан Қурбон Аҳмедов, Шариф Сирожов ўртоқлар 65-70 тоннадан пахта териб бердилар. Хўжалигимиз ҳосилни машиналарда теришдан жуда катта манфаат кўрди.

Колхозчиларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли, ички имкониятлардан ва моддий техника воситаларидан самарали фойдаланилганлиги натижасида қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам зўр ютуқларни қўлга киритдик. Давлатга қорақўл тери етказиб берищ, насл учун қўзи қолдириш, сут, пилла, сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти тайёрлаш планлари тўла ва ошириб адо этилди. Боларнинг эвазига мўл даромад қилдик. Биргина пахтадан оладиган даромадимиз ишлаб чиқариш-молия планида белгиланганига нисбатан 150 минг сўм ортиқ бўлади. Колхозимиз аъзоларининг иш кунига ўтган йилдагидан бир ярим баравар кўп пул тақсимлаб берилади.

Ваъда вафоси билан чиройли, дейдилар. Колхозчиларимиз етти йилликнинг якунловчи йилида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан олган мажбуриятларини муваффақиятли бажарганликлари, ватан омборига ҳар йилдагидан кўп ва юқори сифатли «оқ олтин» тўкканликлари билан ҳақли равишда фахрланмоқдалар. Шу билан бирга улар ўз олдиларида келгуси йилда маҳсулот етиштиришни янада кўпайтириш, пахта ҳосилдорлигини янада ошириш каби улуғвор вазифалар турганлигини унутмайдилар. Деҳқонларимиз шуни кўзлаб иш тутмоқдалар. Дала ишлари шу куннинг талабларига мувофиқ ташкил этилди.

Ҳозир колхозимизда пахта йиғим-терими тугалланай деб қолди. Сўнгги граммлар йиғиштириб олиняпти. Асосий майдон ҳосилдан бўшади. Бундай карталар ғўзапоядан тозаланмоқда. Кўпгина колхозчилар даладаги қолган ҳосилни йиғиштириб олиш ва пайкалларни ғўзапоядан тозалаш билан банд. Колхозчиларнинг бир қисми далаларга ғўнг ташиб чиқариш, пахтазорларни текислаш, ўқариқларни кўмиш, зовурларни қазиш ишларига сафарбар қилинди.

Бу йил пахта эрта муддатларда пишиб етилганлиги сабабли, теримчиларимиз ва механик-ҳайдовчиларимизнинг далаларда жон қуйдириб ишлаётганликлари натижасида ҳосил барвақт йиғиб-териб олинмоқда. Бу эса келгуси йил ҳосилига тайёргарлик ишларини вақтида бошлаб юбориш имкониятини берди. Мўл ҳосилнинг боши ҳисобланадиган шудгорлашга ўтган йилдагидан икки ҳафта илгари киришдик. Бошқа экинлардан бўшаган участкаларни шудгорлаш тамомланай деб қолди. Ҳосили тўла териб олинган ва ғўзапоядан тозаланган карталар ҳам ҳайдалмоқда. Шу кунгача ҳаммаси бўлиб 500 гектар ер 28-30 сантиметр чуқурликда ҳайдаб қўйилди.

Механизаторларимиз ўзларига ишониб топширилган машиналарнинг қувватидан яхши фойдаланиб, ер ҳайдаш суръатининг кундан-кунга ошишига эришмоқдалар. Тракторчиларимиздан Усмон Раҳмонов, Музаффар Ражабов, Иноят Шодиев, Ислом Темиров ўртоқлар шудгорлаш юзасидан белгиланган кунлик графикни тўла ва ошириб адо этмоқдалар.

Бизда экинни озиқлантириш сингари ерни шудгорлаш олдидан ўғитлашга ҳам ижодий ёндошилади. Биз ҳамма майдонларга бир миқдорда ва бир хил ўғит солишни шарт қилиб қўймаймиз. Баъзи карталаримиз ғўнгни кўпроқ, айрим далаларимиз озроқ талаб қилади. Баъзи далаларимизга маҳаллий ўғит минерал ўғитга аралаштириб солинган тақдирдагина унинг унумдорлиги ошади, баъзи участкаларга ғўнгнинг бир ўзи солинади. Экин майдонларимизнинг тупроқ хусусиятига кўра ҳайдаш олдидан гектарига 3 тоннадан 6-7 тоннагача органик ўғит солмоқдамиз.

Пахтакорларимиз партия XXIII съезди шарафига мусобақага қўшилиб астойдил меҳнат қилмоқдалар, даладаги ҳамма ҳосилни қисқа муддатда йиғиштириб олиш ва кузги шудгорлашни «Пахта байрами» кунигача тугаллаш учун курашаётирлар. Колхоз партия ташкилоти ва правленияси ана шунга эришиб, ер ҳайдашдан кейинги тадбирларнинг ҳам пухта бажарилишини таъминлайди.

Самандар ҲАМИДОВ,
Бухоро область, Ғиждувон районидаги «Гулистон» колхозининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, республикада хизмат кўрсатган пахтакор.

„ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИГА

Республикада пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 12 ноябрга бўлган маълумот

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Хоразм — бир кунда 0,33, мавсум бошидан 115,95, Тошкент — бир кунда 0,04, мавсум бошидан 111,83, Қорақалпоғистон АССР — бир кунда 0,29, мавсум бошидан 108,32, Сурхондарё бир кунда 0,23, мавсум бошидан 107,92, Самарқанд — бир кунда 0,09, мавсум бошидан 107,79, Фарғона — бир кунда 0,33, мавсум бошидан 103,31, Андижон — бир кунда 0,21, мавсум бошидан 100,75, Қашқадарё — бир кунда 0,03, мавсум бошидан 100,65, Бухоро — бир кунда 0,15, мавсум бошидан 98.53, Сирдарё — бир кунда 0,16, мавсум бошидан 97,65.

Узбекистон ССР бўйича: бир кунда 0,20, мавсум бошидан 104,38.

Республикада 11 ноябрь куни 7080 тонна пахта тайёрланди.

ҲУРМАТ тахтаси

Давлатга пахта сотиш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун республика ҲУРМАТ ТАХТАСИГА ёзиладилар

Сурхондарё областидаги **Термиз райони** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Х. Ҳўжақов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Х. Болтаев**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **П. Бобришев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **С. Саъдуллаев**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **М. Сариев**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **К. Қорасоқолов**).

Бухоро областидаги **Вобкент райони** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Ж. Орипов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Н. Бобоев**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **И. Наимов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Р. Облобердиев**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Ш. Охунбобоев**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **М. Раҳмонов**).

ОППОҚ ТОЛАЛАР

(РЕПОРТАЖ)

Завод ҳовлисига қадам қўйишингиз билан бу ерда сафарбарлик руҳи ҳукмронлигини сезасиз. Ҳамманинг ҳаракатида дадиллик қатъийлик.

Мана, заводнинг ёнма-ён жойлашган етти омбори. Уларнинг ҳар бирига 300 тоннадан «оқ олтин» сиғади. Корхона бетўхтов ишлаши учун омборлар сортларга ажратилган пахта билан лиммо-лим.

Завод ишчилар комитетининг раиси В. Александров билан тўртинчи омборга кирдик. Трубалар юксак босим билан ишлаб турибди. Тўрт қиз ҳамжиҳатлик билан унга пахта ташлашяпти. Труба гувиллайди, «оқ олтин»ни домига тортади, узоқроқдаги толаларни юлиб-юлқийди.

Пахта элтувчи трубанинг дастлабки «бекати» тозалаш цехи. Босим билан келтирилган «оқ олтин» цех томи орқали пахтани тозаловчи «ОХП» маркали машиналарга узатилади. Пахта 0,5-0,6 процент гарддан тозаланади.

— Бу цехни ўтган йилнинг сўнгги кварталида қурганмиз. Пахта асосий корпусга тозаланиб боради, — дейди Владимир Константинович.

Асосий корпус. Линт ва тола чиқарувчи машиналар шитоб билан ишлайди. Тозалаш цехидан оқиб келаётган пахта аввал сепараторга тушяпти. Ундан чиқиб линт ва тола ишловчи машиналарга ўтяпти. Тайёрланган хом ашё труба ва шнек орқали прессга йўл олмоқда. Линтерчи қизлар Вера Фидерягина ва Валя Смирновалар машиналар ишини кузатиб туришибди.

Грачёв бошлиқ пресс цехида 400 тонна куч билан босувчи катта икки пресс ҳаракатда. Уч киши линтни пресслаяпти, қўйида тола той қилиняпти. Бугдой ранг, елкадор йигит пруссинг қопқогини очди-да автомат турткичнинг ричагини босди. Бир зумда 200 килограммлик той пруссдан чиқиб кетди. Йигит бўшаган пресс остига аввал канопдан тўқилган материал тўшади, сўнгра сим тикди. Юқоридан оппоқ момиқ толалар қуйилди. Икки-уч минутда икки пруссловчи Гарафутдин Холхуддинов ва Киром Мироз иккинчи тойни ҳам тайёр қилишди. Грачёв пруссчиларга қараб турди-да, гайрати қистаб кетди шекилли, темир аравачани келтириб тойларни тайёр маҳсулот қўйиладиган айвонга ташиб чиқа бошлади.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми материалларини ўқиганимиздан буён ишчиларимизнинг гайратига тараф йўқ,— деди у қувониб,—айниқса саноатда ишлаб чиқаришнинг моддий манфаатдорлик асосида ташкил қилиниши кераклиги ҳақидаги гаплар уларга маъқул бўлди. Қойил қилиб ишла, ҳаққингни ола бер! Ҳозир ҳар сменада пландаги 28 тонна ўрнига 29-30 тоннага етказиб маҳсулот тайёрлаяпмиз.

Заводда кунлик ишлаб чиқариш топшириқлари мунтазам ошириб бажарилмоқда.

Рақамларга кўз югуртирамиз. Завод бу йил янги пахта ишлашни 6 сентябрдан бошлади. Бу орада тола ва линт ишлаб чиқариш плани доим бажариб келинмоқда. Корхона ўтган йили 9 ойлик ишлаб чиқариш планини 102,1 процент бажарган бўлса, бу йил 109,2 процент бажарди. Ўтган йилга нисбатан 23 минг сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу йил меҳнат унумдорлиги пландагига нисбатан 7,2 процент ошди. Октябрь ойи плани ҳам муддатидан олдин бажарилди. Ҳозиргача пунктларимиз пахтакор хўжаликлардан 82333 тонна пахта қабул қилиб олди. Ўтган йили саноатга 66 минг тонна пахта хом ашёси етказиб берган эдик, — дейди завод директори Ж. Ҳожиев.

С. МУҲИДДИНОВ,
Тошкентдаги Охунбобоев номли пахта заводи.

ЯНГИ КОРХОНА

Хоразмда янги йирик корхона — Шовот пахта тозалаш заводи фойдаланишга топширилди. Корхона йилига 45 минг тоннадан ортиқ пахтани қайта ишлаб, енгил саноатга қимматли хом ашё етказиб беради.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КПСС МК СЕНТЯБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ҚАНОТ

«Ташавтомаш» заводи бундан 5-6 йил муқаддам кичкинагина устахона эди. Уч йил аввал пахтани қоп-қанорсиз ташишга мўлжалланган 4 минг прицеп тайёрланган. Ҳозир эса пахтакорнинг ғиғирини енгил қилган ана шу прицеплардан йилига 26 минг дона тайёрланяпти.

Корхона азаматлари олдида турган вазифалар эса янада улкан. 1970 йилда ташавтомашчилар 40 минг дона прицеп ишлаб чиқаришлари керак. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорлари барча саноат меҳнаткашлари сингари завод аҳлига ҳам қанот бахш этди. Пленум қарорларини қунт билан ўрганаётган корхона ишчи ва инженер-техник ходимлари янги режалар тузмоқдалар, резервларни ишга солиш йўлларини қидириб топмоқдалар.

Якинда завод директори кабинетида бўлган суҳбатда, тўғрироғи кенгашда ҳам гап ана шу хусусда борди. Мана, завод бош бухгалтери ўртоқ Ю. Абрамовнинг гапларига қулоқ солинг:

Пленум қарорлари асосида эндиликда ҳар бир ишчи ва инженер-техник ходимнинг моддий манфаатдорлиги тобора ортиб бораверади. Назаримда, бир-икки йилдан кейин заводимизнинг рағбатлантириш фонди 300 минг сўмга етса керак. Ҳозир эса уй-жой қурилиши фонди, мукофот фондини барпо этмоқдамиз. Лекин халқ мақолида айтилганидек, ишлаган тишлайди. Корхона фондлари кўпроқ бўлиши учун асосий фондлардан яхшироқ фойдаланишимиз, кирим-чиқимни ободон ўйлаб иш тутишимиз керак. Сир эмаски, аввалларғи керак бўлса-бўлмаса кўпроқ ускуна ғамлаш ҳаракатида бўлардик. Энди эса ортиқча ускуналарни сотиш ҳуқуқига эгамиз. Зарур машина-ускуналар сотиб олиш учун шу йил билан ҳам маблағ топса бўлади.

Механизация бўлимининг бошлиғи ўртоқ С. Лем янги техниканы планлаштириш масалаларига тўхталди: ишлаб чиқаришни механизациялаш борасида ҳали кўп иш қилишимиз керак. Лекин янги техникани жорий этиш учун маблағ ажратиш масаласига тўхталиб ўтмоқчиман. Янги техникани жорий этиш учун банкдан ссуда олиш мумкин. Аммо банк бир шарт қўяди. Яъни янги техникадан келадиган даромад икки йил ичида ўзини қоплаши керак. Хўш, янги техника икки йилда эмас, уч йилда ўзини қопласа нима қилиш керак. Янги техникани жорий этмаслик керакми? Назаримда, янги техникани жорий этишга мўлжалланган маблағлар корхона ихтиёрида бўлиши керак.

Корхонанинг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Н. Бризгалов ҳам ҳаёт тақозо этган масалаларни ўртага ташлади: Меҳнат унумдорлигини кўтариш масаласи бош масала бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам агар ишчи нормани ошириб бажараётган экан, бунинг учун уни рағбатлантириш, мукофот бериш керак. Шунинг учун ҳам меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг ходимлари иш процессини пухта билишлари ҳамда юқори унумдорлик билан ишлашга ёрдам берадиган нормаларни жорий этишлари лозим.

««Ташавтомаш» заводининг ишлаб чиқариш командирлари еттинчи цех бошлиғи ўртоқ С. Баржер сўзини эътибор билан тингладилар: Цехимиз, — деди у, — запас қисмлар тайёрлайди. Уларни тайёрлашга тайёрлаяпмиз-у, аммо фойда ўрнига зарар кўряпмиз. Лекин бу завод раҳбарларини ташвишлантирмаяпти. Хўш, бундан буён нима бўлади? Зарар кўриб қолаверамизми? Йўқ, фойда кўриб ишлаш масаласи энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолаётган экан, энди ҳар бир маҳсулотнинг рентабеллиги учун жон қуйдириб курашишимиз керак. Бунинг учун, жумладан майда-чуйда ишларни ҳам механизациялашга эътибор беришимиз, технология процессларини такомиллаштиришимиз керак.

Завод бош конструктори Я. Белага янги техника яратаётган конструкторларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш кераклиги ҳақида гапиради. Корхонада янги конструкциялар яратишга бош-қош бўлиб турган инженерлар етти йилдан бери бир сўм ҳам мукофот олишгани йўқ.

Заводнинг бош инженери А. Барабашин корхона олдида келгуси беш йилликда турган вазифалар, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги техника ва прогрессив технологияни жорий этиш масалаларига тўхталди. Завод мутахассисларининг кенгаши бош инженердан тортиб цех бошлиғигача, мастер ва бригадирдан тортиб конструктор ва инженергача — ҳаммаҳамма учун фойдали бўлди. Уларни янги ишларга илҳомлантирди. Корхона келажагини яққолроқ тасаввур этишга, вазифаларни конкретроқ белгилаб олишга ёрдам берди.

А. БРОНШТЕЙН,
«Ташавтомаш» заводи.

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ОШАДИ

Бизнинг замонамизда фан ва техника фавқулодда тез суръатлар билан ўсмоқда, билимларнинг янгидан-янги тармоқлари вужудга келмоқда. Айни вақтда илмий-техника нашрлари ҳам тез ўсаётир. Ҳисобларга кўра, жаҳондаги турли мамлакатларда вақтли илмий-техника нашрларининг ўзигина ҳозирги вақтда 50 минг номдан ортади. Бу нашрларда ҳар йили 3 миллионга яқин мақола босилмоқда. Агар ҳар йили 2 миллион патентга заявка берилаётганини, жуда кўп миқдорда китоб, тўпламлар нашр қилинаётганлигини эътиборга олсак, марҳум академик С. И. Вавиловнинг, ҳозирги замон кишиси кутубхоналардан ҳосил бўлган Химолай тоғлари олдида ўзини қумлоқ ердан катта бир олтин бўлагини топиши керак бўлган олтин қидирувчидек сезади, деган сўзлари нақадар ҳаққоний эканлигини тушуниш қийин эмас.

Эндиликда илмий ходимлар ёки конструкторлар бирор проблемани ҳал қилар эканлар, ўз вақтларининг тўртдан уч қисмини зарур маълумотларни қидиришга сарфлайдилар. Масалан, химикларнинг ҳисобларига кўра, агар ўттиз тилни мукаммал биладиган ва 1965 йилнинг биринчи январидан бошлаб, химия бўйича ёзилган асарларни ҳафтасига 40 соатдан ва соатига тўрт мақола ўқийдиган химик бўлса, у декабрь ойининг охиригача бир йил ичида нашр этилган материалларнинг 17 дан бир қисмининга ўқиб улгурган бўлур эди.

Марказлашган ва яхши ташкил этилган илмий техника информацияси кўпдан бери етилган ана шу проблемани ҳал қилиш воситаси бўлди.

Тажриба шуни кўрсатадики, информацияни тўплаш, қайта ишлаш ва уни кенг ёйиш билан махсус илмий коллективлар шуғулланиши керак. Бу коллективлар янги адабиётни қидириб топишлари ва унинг мазмунини очиб беришлари, уни бир системага солишлари ҳамда фан ва техника ходимларига, шунингдек ишлаб чиқариш новаторларига тегишли формада ахборот беришлари керак.

Партия ва ҳукуматимиз фан ва техниканинг энг қимматли ютуқларини оммалаштиришга ҳамиша катта аҳамият бериб келдилар. Бу ишнинг муҳимлигига В. И. Ленин ҳам алоҳида эътибор бериб, ҳамма тиллардаги барча тегишли адабиётларни эътибор билан кузатиб бориш, қиммати бўлган ҳамма нарсани таржима қилиш ёки ҳеч бўлмаса назарда тутиш керак, деб айтган эди.

Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқида ахборот муассасаларининг шохобчалари тузилди ва самарали ишлаб турибди. СССР илмий тадқиқот ишларини координациялаш Давлат комитети ва СССР Фанлар академиясининг Бутуниттифоқ илмий техника информацияси институти жаҳонда энг йирик ва мамлакатимизда етакчи ахборот маркази саналади. Бу институтга физика-математика, химия, геология, география, биология фанлари ва техника фанларининг кўпчилиги соҳасида Ватан ва чет эл манбаларидан ахборот ишлаб чиқиш ва тайёрлаш (рефератив журнал ва экспресс-информация нашр этиш) вазифаси юклатилган. Бундан ташқари, бу институт обзор-библиографик ва справка адабиёти (шу жумладан «Фан ва техника натижалари» сериялари) нашр этиш билан кичик ҳажмдаги фильмлар олиш ва уларни таржима қилиш тўғрисидаги вазифаларни бажариш билан шуғулланади: институтга мамлакатдаги ахборот органлари ва муассасаларининг фаолиятини координациялаштириш ва илмий-техника ахборотларининг методлари ҳамда воситаларини такомиллаштириш соҳасида тадқиқотлар ўтказиш вазифаси ҳам топширилган.

Энциклопедик типда вақтивақти билан (ҳар ой ёки ҳар икки ҳафтада) нашр этиладиган рефератив журнал институтнинг асосий ахборот нашри бўлиб, бунда китобхонни эълон қилинган тадқиқотларнинг мазмуни, вазифаларнинг қўйилиши, унинг ҳал этилиш методи ва олинган натижалар билан таништирувчи рефератлар босилади.

Китобхонларнинг жуда кўп истакларига жавобан, журналнинг йигма томларидан ташқари, айрим тематик китоблар чиқарилмоқда ва институт нашр этган ҳамма Ватанимизнинг ўзида чиқадиган 11 минг номда журналлар олди. Бу журналлар жаҳоннинг 102 та мамлакатидан 65 тилда олинди; институт халқаро тажриба айирбошлаш ишлари ҳам олиб боради. Чет эл йирик нашриётларидан 542 таси институтга назарга олиш учун мунтазам равишда китоблар юбориб туради. Институтнинг илмий фондлари мамлакатда журнал адабиётини энг тўла тўплашдан иборат бўлиб, у бебаҳо бойлик саналади.

Реферативжурнал ва экспресс-информация нашр этиш инженерлар ва илмий ходимлардан иборат — фан ва техниканинг тор доирасидаги мутахассислар катта коллективи олиб бораётган меҳнатнинг натижасидир. Бу мутахассислар чет тилларни жуда яхши билишади. Ҳозирги вақтда институтнинг штатли ходимларидан ташқари, штатга кирмайдиган референтлар ва редакторлар составининг 21 минг кишидан кўпроқ саналади ва улар орасида СССР Фанлар академиясининг 21 академиги, 34 корреспондент аъзоси, мингга яқин фан доктори, 6 мингдан кўпроқ фан кандидати ва 200 дан кўпроқ чет эл олимлари бор.

Мамлакатимизда коммунизм қурилиши даврида илмий-техника муваффақиятларини пропаганда қилиш, уларни практикага жорий этиш ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бироқ институтнинг нашр этилган журналларни пропаганда қилиш ва оммалаштириш соҳасида олиб бораётган иши талабга жавоб бермайди. Баъзан илмий-техника информацияси масалаларига тегишинча эътибор берилмаётганлигига, фан муваффақиятлари ва илғор тажриба мумкин қадар тезроқ совет мутахассислари кенг доирасининг мулки бўлиб қолиши ҳақида жуда камдаккам ғамхўрлик қилинаётганлигига сира тоқат қилиб бўлмайди.

Ҳозирги вақтда 1966 йилда нашр этиладиган журналларга обуна олиб борилаётган даврда хусусан институтнинг илмий-техника информацияси нашрларини шундай кенг ва яққол оммалаштириш зарур бўлиб қолдики, токи барча илмий-техника кутубхоналари, ҳар бир совет мутахассиси ана шу нашрлардан яхши хабардор бўлсин ва улардан моҳирона фойдалана билсин.

Институтнинг ҳамма нашрларига барча алоқа бўлимларида ва жамоатчи китоб тарқатувчилар орқали «Союзпечать»нинг каталоглари бўйича чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинади.

Л. ПАВЛОВ,
СССР Фанлар академиясининг старший илмий ходими.



Фарғона уйсозлик комбинатининг меҳнаткашлари уй-жой қурилишини тўла индустрлаштириш, қурилиш-монтаж ишлари таннархини арзонлаштириш мақсадида янги-янги резервларни ишга солмоқдалар. Санитария-техника кабиналари тайёрлаш ўзлаштирилганлиги уй узелларини йиғиш ишларида анча вақт тежашга ёрдам бермоқда. Суратда: йирик панеллардан уй қуриш вақтида сантехкабинани монтажлаш пайти.

Г. Бойко фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Марғилонга газ келди

Марғилон шаҳрида Бухоро табиий газининг машъаласи ёқилди. Ипакчилар шаҳри Қизилқум заҳмати оловидан баҳраманд бўлиб бошлади. Йил охиригача бир ярим минг хонадонга арзон ва қулай енилги киритилади. Ҳаммаси бўлиб 52 коммунал-маиший муассаса табиий газда ишлайдиган бўлади. Ипак комбинати, «Атлас» фирмаси сингари йирик корхоналар ҳам яқин келажакда табиий газ ишлата бошлайдилар.

М. ШУКУРЖОНОВ,
«Ўзбекгаз» бошқармасининг бош инженери.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА

РЕЗЕРВЛАР КАЛИТИ

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарори саноатимиз тараққиёти йўлидаги катта тарихий воқеа бўлди. Бу қарор социалистик саноатимизни илмий асосда юритиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашнинг янги уфқларини очиб беради. Саноатга раҳбарлик қилишнинг янгича усули ҳозирданоқ қандай ижобий самаралар бераётганлигини газеталаримиз кенг ёритиб бормоқдалар. Самарқанд область «ЛЕНИН ЙУЛИ» газетаси сентябрь Пленуми қарорлари корхоналар, ишчилар ҳаётида нечоғли катта ўзгариш ясагани тўғрисида хилма-хил материаллар бериб борляпти. «Красний двигатель» заводи директори ўртоқ В. Абрамовнинг «Резервлар калити» сарлавҳали мақоласида саноатга раҳбарлик ва планлаштиришнинг янги системаси заводда ишлаб чиқариш резервларидан тўлароқ фойдаланиш, ишчи ва хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга кенг имкониятлар яратиб бераётгани конкрет фактлар асосида баён этилади.

КОЛЛЕКТИВ ҒАЙРАТИ

«Ферганводстрой»га қарашли 3-қурилиш бошқармаси коллективи КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорларидан ғоят руҳланиб, ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Айниқса Александр Балгов бошлиқ бригада аъзолари юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Мазкур коллектив экскаваторчилари шу йилнинг ўтган ўн ойи ичида икки юз минг кубметр ҳажмдаги тупроқ ишларини бажардилар. Бу — 20 ойлик норма демакдир. «МАРҒИЛОН ҲАҚИҚАТИ» газетаси бу шонли коллективнинг ажойиб ишларига бағишлаб мақола босди. Мақолада бошқарма кишиларининг ғаратувчилик меҳнати, турмуши жуда яхши акс эттирилган. Шуниси муҳимки, газета сентябрь Пленуми қарорларининг ҳаётбахш аҳамиятини ана шундай жонли мисолларда ёритмоқда.

ИЛМИЙ АСОСДА

Эндиликда корхоналар фаолиятини иқтисодий анализ қилмасдан туриб, уларнинг нечоғли самарали ишлаётганлиги тўғрисида фикр юритиш мушкул. Дарҳақиқат, ҳамма ишлаб чиқариш процессларини илмий асосда ташкил қилган корхоналаргина юксак кўрсаткичларга эришиши мумкин. Бунда иқтисодчи олимлар катта ёрдам беришлари мумкин. «СОВЕТСКАЯ КАРАКАЛПАКИЯ» газетаси масаланинг ана шу томонига катта эътибор бериб, иқтисодий темаларда бир қатор материаллар босяпти. Чунончи иқтисод фанлари кандидати А. Карягининнинг «Саноатни бошқариш ва унинг илмий асослари» сарлавҳали мақоласи ҳу жиҳатдан характерлидир. Мақола автори корхоналарда иқтисодий, илмий анализнинг пухта йўлга қўйилиши давлатнинг ҳар бир сўмидан самарали фойдаланиш имкониятини беришини ҳаётий мисолларда очиб беради.

ҚИШЛОҚ БИНОКОРЛАРИНИНГ ЭҲТИЁЖЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорларида бинокорларнинг ишига улар битказган объектга қараб баҳо бериш лозимлиги алоҳида уқтириб ўтилди. Қурилиш экономикасини, меҳнат унумдорлигини муттасил кўтаришда қурилишларни зарур материаллар билан ўз вақтида таъминлаш катта аҳамиятга эга. Маълумки, ҳозирча қишлоқ қурилишлари ўзининг йирик ишлаб чиқариш базасига эга эмас. Хусусан, бизнинг трестимиз ғишт ва темир-бетон буюмлари камчиллигини муттасил сезиб туради. Ғишт ва темирбетон буюмларини республикамизнинг бошқа областлари, ҳатто бошқа республикалардан ташиб келтиришга мажбур бўлмоқдамиз. Бу материалларни ташиб келтиришга кўплаб маблағ сарфланмоқда. Собиқ Халқ хўжалиги кенгашининг қурилиш материаллари комбинати зарур миқдорда пишиқ ғишт етказиб беролмаяпти. Заводларда тайёрланган ғиштнинг сифати ҳам яхши эмас.

Трестимиздаги ҳар бир участкада қоришма узеллари, тош, шағал ва қум қазиб олиладиган карьерлар бор. Бу узел ва карьерларда иш унуми паст, бунинг устига улар қурилишлар эҳтиёжини тўла қондиролмаяпти. Бизнинг фикримизча, **ана шу хўжаликларни Қурилиш материаллари саноати министрлиги ихтиёрига бериб қўйиш ҳамда қурилишларни бетон, қоришма, қум ва бошқа материаллар билан марказлаштирилган усулда таъминлаш мақбул бўлур эди.**

Маълумки, Қорақалпоғистонда алебастр, ироратбоп тош, шағал тайёрлаш учун хом ашё манбалари бор. Автоном республикада ана шу материалларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш лозим. Бу, маҳсулот таннархини анча арзонлаштирган бўлур эди. Шу ўринда яна бир таклиф айтиб ўтмоқчимиз. Юқорида уқтириб ўтганимиздек, қурилишларда ғишт етишмаяпти. Шунинг учун ҳам девор бор материаллар тайёрлашнинг бўлак йўлларини қидиришимиз керак. Қоратовдаги тошларни йўниб, деворбоп материал тайёрласа бўлади.

Шунингдек, темир-бетон буюмлари ва силикальцит блоклари тайёрлашни ҳам Қорақалпоғистонда кенг қўламда ташкил этсак, бинокорлар бундан миннатдор бўлур эди. Қурилиш ташкилотларида хўжалик ҳисобини жорий этиш учун аниқ ҳисоб-китобни йўлга қўйиш керак. Бу ишни экономикани пухта билган ҳамда меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишга моҳир бўлган мутахассисларгина бажара олади. Аммо, афсуски, трестимиздаги кўпгина иқтисодчилар махсус билимга эга эмаслар. Биз малакали иқтисодчи мутахассисларга муҳтожмиз.

Қурилиш экономикасини кўтариш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Молиявий интизомни мустаҳкамлаш, хўжалик ҳисобини кенг жорий этиш, резервларни ишга солиш йўли билан қурилиш рентабеллигини янада кўтариш мумкин.

Я. ВИРВА,
12-қурилиш трестининг бошқарувчиси.

Ш. ТИЛОВБОЕВ,
план бўлимининг бошлиғи.

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛ—ҲАР БИР ХОНАДОНГА

Жамоатчи Жўрабек ота

Жўрабек ота Астанов 75 ёшда. Ўрта Чирчиқ районидаги Бектемир қишлоғида яшайди. Уни танимаган киши йўқ. Граждалар урушида ҳам, босмачиларга қаршн курашда ҳам жасорат кўрсатган эди. Мана, ҳозир 75 ёшда жамоатчилик асосида бир қанча вазифаларни бажариб, эл ҳурматини қозонмоқда.

— Мен «Совет Ўзбекистони» газетасини 1924 йилдан буён ўқийман. Ёзишни, ўқишни мана шу газетадан ўрганганман. Шунинг учун бу газетани муаллимим, мактабим деб биламан,—дейди ота.

Жўрабек отанинг уйидаги жовонларда, сандиқ-қутиларда газеталар тахланиб турибди. Бу ерда 1917 йил революцияси лавҳаларини, 1920 йил янги иқтисодий сиёсат давридаги кураш эпизодларини, колхоз тузуми даврида коммунистларнинг унутилмас ишларини ифодаловчи саҳифаларни ўқий оласиз.

Ташкилотчи ота энди бир ўзи эмас. Ўзига ўхшаш кексаларни ҳам газетхон-обуначи қилиб қўйди.

Ҳозир отанинг ташаббуси билан Ўрта Чирчиқ районидаги Бектемир посёлкасида газета ва журналга обуна бўлмаган бирорта ҳам газетхон қолмади.

Р. ИСҲОҚОВ.

ЗЎР ҚИЗИҚИШ БИЛАН

Косон районидаги «Муборак» наслчилик заводининг 2- қўйчилик фермаси чорвадорлари 1966 йил учун газета, журналларга уюшқоқлик билан обуна бўлаётирлар.

Газета-журналларга обуна тўплашда ферманинг илғор ишчиларидан Сафобек Оллоёнёров, Баҳром Эргашев, Саидназар Рўзиев, Амирқул Эргашев ўртоқлар алоқа ходимларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

С. ЭРНИЁЗОВ.

«350 СЎМ ЎРНИГА 395 СЎМЛИК»

— Газета, журнал ҳар бир кишига, ҳар бир хонадонга маърифат, маданият, одоб, яғлиқлар олиб келади, — дейди «Ховос» совхози партия комитетининг секретари Ўртоқ М. Баратов. Биз обунага катта эътибор беряпмиз.

«Ховос» совхози ишчилари ҳозиргача 4420 сўмлик газета ва журналларга обуна бўлдилар.

Биргина автогараж шоферлари 350 сўм ўрнига 395 сўмлик газета-журналларга обуна бўлдилар.

У. НОРҚУЗИЕВ,
Зомин райони.

ОБУНАГА ШОШИЛИНГИЗ!

ЧЕВАРЛАР — ГАЗЕТХОН

— Ҳар кунлик газета-журналларни ўқимасам дунё янгиликларидан четда қолганлигимни ҳис қиламан. Ана шунинг учун газеталар менинг яқин суҳбатдошим, — дейди Тошкент «Қизил тонг» тикувчилик фирмасининг директори Шоира Аҳмадалиева.

Фирма чеварларидан Н. Рубцова, Г. Лабанова, Л. Калонова, Л. Дворникова каби ўртоқлар 30-50 сўмлик газета-журналларга обуна бўлдилар. Обуна қизғин давом этмоқда.

С. СУЛТОНОВ.

* * *

Газетхонлардан Э. Мусаев, У. Салимов (Қарши), А. Ҳолиқов (Ғузор), М. Азизов (Шаҳрисабз), Р. Жуманазаров (Ҳаворасп), Н. Тошбоев (Шўрчи), У. Муҳамедов, М. Тўлаганов, П. Тожибоев (Тошкент), М. Яқубоев, Т. Собиров (Ўргут), Р. Ғаниев (Самарқанд), С. Мамашокиров (Жиззах), Ғ. Кенжаев, М. Борухов (Бухоро шаҳри), Х. Бозоров (Ромитан), С. Қўчқоров (Поп), М. Жўраев, Қ. Бердиев (ҳарбий қисм), Т. Сулаймонов (Наманган шаҳри) ўртоқлар ҳам ўз хат-хабарларида жойларда газета ва журналларга обуна бўлиш қизғин бораётгани ҳақида ёзадилар.

Сусткашлик

Районимизда 1966 йил учун газета, журналларга активлик билан обуна бўлинмоқда. Бунга айрим саноат корхоналари, тайёрлаш конторасн коллективи, Калинин номли колхозни кўрсатса бўлади. Ҳозиргача район меҳнаткашлари салкам 90 минг сўмлик газета-журналларга обуна бўлдилар.

Лекин бу ҳали етарли эмас. Районимиздаги йирик саноат корхоналари, колхоз, совхозларнинг партия ташкилотлари обуна соҳасида ташкилотчилик кўрсатмаётирлар. «Партия XVII съезди» колхозида кўп хонадонлар ҳалигача обуна бўлганлари йўқ. Охунбобоев номли колхоз, «Амударё» совхозида ҳам аҳвол шундай.

Район партия комитети обунанинг қандай бораётгани билан қизиқаётгани йўқ. Район партия комитети бу кампанияни зўр уюшқоқлик билан ўтказишга амалий ёрдам бериши керак.

У. МАҲМУДОВ,
Хўжайли район «Союзпечать»и бошлиғи.

ҚЎШИМЧА МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани кун сайин қизитаётган Сурхондарё областидаги Шўрчи райони меҳнаткашлари давлатга пландан ташқари 7300 тонна пахта сотиб, қўшимча мажбуриятларини ҳам шараф билан бажардилар. Мамлакат «оқ олтин» хазинасига 66000 тонна пахта етказиб берилди. Район бўйича ҳар гектар майдондан олинган ҳосил 31 центнерни ташкил этди.

Энгельс номли, «Ленинград», «Ленинизм», «Оқ олтин» колхозлари бунга салмоқли ҳисса қўшдилар. Машъал «Коммуна» колхози эса 2100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтариб, ҳамон пешқадамлик қилмоқда.

Шўрчиликлар давлатга яна 4000 тонна пахта сотишга аҳд қилишган. Айни вақтда кузги шудгорлаш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

М. ХУЖАҚУЛОВ.

Хатлардан сатрлар

Фарғона. Яккатут посёлкасида мева қабул қилиш пункти ишга туширилди.

А. Тошпўлатов.

* * *

Сирдарё. Ғулистон шаҳридаги 1200 хонадон газлаштирилди.

Э. Рўзибоев.

* * *

Термиз. Шаҳарда икки қаватли янги касалхона биноси қуриб битказилди.

Қ. Абдижалилов.

Маҳаллий Советлар — омманинг ташкилотчиси

ЛЕНИНЧА ИШ УСЛУБИ УЧУН!

ҲАР бир йилнинг ўз мазмуни, солномага битилувчи воқеалари бор. Етти йилликнинг якунловчи йили ана шундай самарали саҳифаларга бой. Бу йил областимиз меҳнаткашларининг снёсий активлиги, меҳнат кўтаринкилиги беқиёс юксалди.

Область саноати жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Кўпчилик корхоналар 10 ойлик планни муддатидан илгари бажардилар, пешқадам коллективлар етти йиллик топшириқларини ҳозирданоқ уддалаб қўйдилар. Қурувчилар ва транспортчилар эришаётган ютуқлар ҳам қувончли.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари мўл-кўлчилик яратишга кўпроқ ҳисса қўшиш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар. Давлатга пилла, тухум, қорақўл тери, жун, мева ва сабзавот сотиш йиллик планлари муддатидан илгари бажарилди. Она-Ватанга 320 минг тонна Хоразм пахтаси бериш, ҳосилдорликни 32 центнерга етказиш юзасидан олинган юксак мажбурият ортиғи билан адо этилди. Республика кўчма Қизил байроғи доимий сақлаш учун областимизда қолдирилди.

Экономика ва маданий қурилиш соҳасидаги муваффақиятлар халқимиз фидокорона меҳнатининг самараси, шу билан бирга, партия, совет ва жамоат ташкилотлари олиб бораётган снёсий-оммавий, ташкилотчилик ишларининг самарасидир.

Область, шаҳар ва район ижроия комитетлари, қишлоқ Советлари хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарликни тобора яхшиламоқдалар. Улар ўз фаолиятларида депутатлар, доимий комиссиялар ва жамоатчиликка кўпроқ таянаётирлар. Бу улларнинг таъсирчанлиги ва ролини оширмоқда. Советларнинг сессиялари ва ижроия комитетларининг мажлисларида етилган, актуал масалалар муҳокама қилинаётир, қабул қилинган чоралар ижроси изчиллик билан текширилиб борилмоқда.

Область ижроия комитети мажлисларида шаҳар, район ва қишлоқ Советларининг ҳисоботлари муттасил эшитилмоқда. Ҳар кварталда тармоқлар бўйича хўжалик планларининг бажарилиш якунлари, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, маданий-оқартув муассасалари ишини яхшилашга оид масалалар муҳокама қилинаётир. Айни вақтда бошқармалар ва бўлимларнинг раҳбарларининг ахбороти ҳам эшитилмоқда.

Қ АРОРЛАР ва тадбирлар ўз ижроси билан кучли. Область ижроия комитети икки марта махсус кенгаш ўтказиб, уларда ижрони текширишнинг аҳволини муҳокама қилди. Ижроия комитетларининг бу соҳадаги жиддий камчиликлари очиб ташланди, уларни тугатиш тадбирлари белгиланди. Айниқса, Хива район ижроия комитетида ижрони текширишнинг аҳволи тўғрисидаги масала қизғин муҳокама қилинди. Советлар сессияси ва ижроия комитет мажлисларида кун тартибидаги масалани кўришга ўтмай олдинги йиғилишларда қабул қилинган қарорларнинг қандай бажарилаётганлигини тинглаб бориш ҳам мақбул метод эканлигини тажриба кўрсатди.

Урганч, Хива шаҳар ижроия комитетлари, район ва қишлоқ Советлари жамоатчилик асосларини ривожлантиришга, депутатларнинг активлигини оширишга катта эътибор бера бошладилар. Урганч районидаги «Пахтакор» колхозининг бригада бошлиғи, СССР Олий Совети депутати Ойша Жуманиёзова, гурланлик экскаваторчи, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Саъдулла Ўрозматов, хивалик гиламчи, область Совети депутати Шукуржон Абдиёзова каби кўпгина депутатлар халқнинг юксак ишончини шараф билан оқламоқдалар, сайловчилар наказларини бажаришда ташаббус, жонкуярлик кўрсатмоқдалар.

Кейинги даврда доимий комиссияларнинг иши ҳам бирмунча жонланди. Хива шаҳар ижроия комитети доимий комиссияларнинг ҳисоботини мунтазам тинглаб, уларнинг фаолиятини оширишга эришмоқда. Урганч район ижроия комитетининг ободончилик ва йўл қурилиши доимий комиссияси (раиси ўрток Б. Маҳмудов) район маркази ва колхоз қишлоқларини обод қилиш ишига катта эътибор бераётир.

Бироқ, маҳаллий Советлар ҳозирги давр талаби даражасида ишлаяпти, деб бўлмайди. Шаҳар, район ва қишлоқ Советлари экономика ҳамда маданиятни ривожлантириш масалалари билан етарли шуғулланмаётирлар, халқ хўжалигининг барча тармоқларида, шунингдек, колхоз ишлаб чиқаришида ички резервларни излаб топиш ва ишга солишда актив ташкилотчилик кўрсатмаётирлар.

Район ижроия комитетлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан кам шуғулланадилар, қишлоқ хўжалик артели Уставига каттиқ риоя қилишни доимий назорат остига олмаётирлар. Шовот районидаги айрим колхозларда артель Уставини бузиш фактлари бор. Масалан, «Правда» колхозида молия-хўжалик фаолиятини ревизия қилиш якуни колхозчиларнинг умумий йиғилишида эмас, балки правление томонидан тасдиқланилган. Ҳазорасп районидаги «Ўзбекистон» колхозида эса артелга аъзолар қабул қилиш умумий йиғилишда кўрилмаган. Буни правление ҳал қилган. Маҳаллий Советлар бундай ҳолларга узил-кесил барҳам бериб, колхоз демократиясини ҳар тарафлама мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун курашишлари лозим.

Ободончилик ва қурилишга раҳбарлик Советларнинг жонажон иши. Визда капитал қурилиши, айниқса уй-жой қурилишида суръат ва сифат бирмунча яхшиланган бўлса ҳам бу соҳада ҳали жиддий камчиликлар бор. Айрим қишлоқлардаги қурилиш ишлари суръати талабга жавоб бермайди. Баъзи колхозларарО қурилиш ташкилотлари қониқарсиз ишламоқда. Хутор системасидан ҳозирги замон типидаги обод посёлкаларга ўтиш юзасидан область Советининг сессияси қабул қилган қарорни айрим район Советлари тез амалга оширмаётирлар. Бу йил колхозларда қурилиши кўзда тутилган 18 та болалар муассасасидан ҳозиргача ярми ишга туширилди. Янгариқ районидаги Ленин номли, «Октябрь 40 йиллиги» колхозларида боғча-яслилар қуришга бефарқ қаралмоқда.

Шаҳар, район ва қишлоқ Советлари, айниқса Ҳазорасп ва Шовот район ижроия комитетлари меҳнаткашларга савдо ва маданий-маиший хизматни яхшилашда чинакам жонкуярлик кўрсатмаётирлар. Ҳазорасп матлубот жамияти коллективи область базаларида мавжуд товарларни, жумладан болалар оёқ кийими, қишки кийим-кечакларни савдо тармоқларига ўз вақтида етказиб бермаётир. Қишлоқ меҳнаткашлари маиший хизматнинг кўпгина турларидан баҳраманд бўлмаётирлар. Район ижроия комитетлари бу муҳим ишни диққат марказида тутишлари керак.

Маълумки, кейинги пайтда кенг жамоатчилик ёрдамида равон йўллар барпо қилинди, шаҳар, район марказлари ва аҳоли яшайдиган пунктлар ободонлаштирилди. Саломатлик ва тозалик ойлиги, шунингдек як панбаликлар ўтказиш йўли билан кўчалар ва ҳовлиларнинг санитария ҳолати яхшиланди. Бу хайрли ишни давом эттириш, маданий ҳаёт учун юришга бошчилик қилиш — Советларнинг доимий вазифаси бўлмоғи лозим.

КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумлари, СССР Олий Совети VI сессияси қарорлари маҳаллий Советлар олдига ғоят муҳим ва масъулиятли вазифалар қўйди. Мамлакатимиз саноатини ривожлантиришнинг янги тадбирлари қишлоқ хўжалигини зўр бериб юксалтириш ва маданий қурилишни авж олдириш Советларнинг ташкилотчилик, оммани сафарбар этувчилик ролини ҳар качонгидан оширишни тақозо этмоқда. Советларнинг кўп сонли депутатлари қурашнинг олдинги сафларида боришлари, оммани ўзларига эргаштириб, ишлаб чиқаришда ва жамоат ишларида ибрат кўрсатишлари лозим. Кишларнинг қалбига йўл топа билиш, уларга меҳрибонлик ва ғамхўрлик қилиш, арза ва шикоятларга сезгирлик билан муносабатда бўлиш ҳар бир совет ходимининг муқаддас бурчидир.

Область меҳнаткашлари етти йилликнинг охирги йилида барча соҳаларда эришилган муваффақиятларни кўпайтириш ва КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариш учун курашмоқдалар. Бу курашни тобора қизитиш, халқни янги сафарларга илҳомлантириш ва сафарбар этиш ҳозирги кунининг энг муҳим вазифасидир. Кенг жамоатчиликка, халқ оммасига таянган Советлар партия ташкилотлари раҳбарлигида ўз вазифаларини шараф билан бажарадилар.

М. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
меҳнаткашлар депутатлари Хоразм область Совети ижроия комитетининг раиси.

СУТ БУЛОҚЛАРИ

САМАРҚАНД. Каттақўрғон районидаги «Каттақўрғон» совхози чорвадорлари партиямиз XXIII съездига муносиб совға тайёрладилар. Давлатга пландаги 5500 центнер ўрнига 5570 центнер сут етказиб берилиб, йиллик план муддатидан илгари анча ошириб бажарилди.

Сигирлардан кўплаб серқаймоқ сут согиб олишда область Советининг депутати Ашурой Тўраёва, Қилич Саидов, Раъно Юсупова сингари чеварлар айниқса яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Р. САТТОРОВ.

* * *

ТОШКЕНТ. Ўрта Чирчиқ районидаги «Тошкент» наслчилик совхозининг ўрток Абдували Жўраев бошлиқ сут-товар фермаси коллективи ажойиб натижаларни қўлга киритмоқда. Анор Усмонова, Орзигул Эмонтоева, Мақсуда Эшбоева каби моҳир сут согувчилар кунлик топшириқларни муттасил ошириб бажаришяпти.

А. ОМОНБОЕВ.



Суратда: Тошкент трактор йиғув заводининг илғор ишчиси Талъат Қулмуҳамедов. У корхонада биринчилардан бўлиб, етти йиллик планни муддатидан илгари бажарган. Ҳозир Т. Қулмуҳамедов 1966 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқараётир.

В. Сироткин фотоси.

ЗАДАРЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

В. И. ЛЕНИНГА ҲАЙКАЛ

Владимир Ильич Ленин туғилганининг 100 йиллиги олдидан «Гулбоғ» совхози посёлкаси марказида Ильичга ҳайкал ўрнатилди.

ЧЕККА ҚИШЛОҚДА АЛОҚА БЎЛИМИ

Район алоқа бўлимининг ташаббуси билан Марказий Фарғонадаги Ильич номли колхозда янги алоқа бўлими очилди.

ЯНГИ САВДО ТАРМОҚЛАРИ

Район территориясидаги Момохон, Давдуқ, Меҳнатобод қишлоқларида янги типдаги хўжалик ва маданий моллар магазини очилди. Шунингдек, район марказида озиқ-овқат магазини қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Б. ҚАЮМОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

Тошкент шаҳар Октябрь районида меҳнаткашларга маданий-маиший хизматни яхшилашга алоҳида эътибор бериляпти. Кўплаб меданий-маиший хизмат корхоналари ишга туширилмоқда. Яқинда район меҳнаткашлари байрам арафасида катта совға олди. Қошқичлик маҳалласида болалар боғчаси, «Октябрь» бозори территориясида эркаклар ва аёллар тайёр кийимлари билан савдо қилувчи икки қаватли «Тоҳир ва Зуҳра» номли универмаг қурилиб ишга туширилди. Шунингдек, «Илғор» маҳалласида чойхона, уч бўлимдан иборат гастроном фойдаланишга топширилди.

⊙

Самарқанд область Хатирчи районидаги «Москва» колхози клуби шу кунларда одамлар билан айниқса гавжум. Бу ерда меҳнаткашлар учун тез-тез лекция ва суҳбатлар ўтказилиб, кинофильмлар намойиш қилиняпти. Яқинда клубда колхозчи онлаларига янги уй бериш маросими бўлди. Бунда 54 та хонадонга янги уйлар калити топширилди.

⊙

«Таштекстильшвейобувторг»нинг 74-магазини коллективи харидорларга намунали савдо хизмати кўрсатиб, улар олқишига сазовор бўлмоқда. Бу ойлик ва квартал планларини ортиғи билан адо этишга имкон бераётир. Магазин коллективи 3-кварталда планга қўшимча 354 минг сўмлик товар сотишга муваффақ бўлди. Меҳнатсевар коллектив аъзолари октябрь ойида пландаги 590 минг сўм ўрнига 619 минг сўмлик товар сотдилар.

⊙

Яқинда Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги билан ҳамкорликда республикамизда колхоз аъзоларини пенсия билан таъминлаш тўғрисидаги Қонунинг бажарилишига бағишланган семинар-кенгаш ўтказди.

Семинарда область социал таъминот ва молия бўлимларининг ходимлари ҳамда колхозчиларни пенсия билан таъминлаш ишлари билан бевосита шуғулланувчи кишилар қатнашди.

Улар «Янги пенсия Қонуни ва қишлоқ хўжалик артеллари аъзоларига нафақа тайинлаш масалалари», «Пенсия ҳужжатларини текшириш тўғрисида» каби темаларда доклад ва лекциялар тинглашди.

Шунингдек колхоз пенсия советлари, район социал таъминоти бўлимлари иш тажрибалари ҳам муҳокама қилинди.

ЮКСАЛИШ

ҚИШЛОҚДАН ХАТ

Охунбобоев номли колхоз аъзолари кейинги йилларда ўз хўжаликларини анча тиклаб олдилар. Қисқа вақт ичида қишлоқда катта ўзгаришлар рўй берди. Далаларнинг ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошмоқда, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпайиб, таннархи камаймоқда, колхозчиларнинг моддий-маданий аҳволи тобора яхшиланмоқда. Улар деҳқончилик маданиятини кўтариш, илғор агротехника тадбирларини дадиллик билан амалга ошириш ва техниканинг забардаст кучига таяниб иш кўриш туфайли ана шундай ютуқларни қўлга киритяптилар. Илгари қолоқ ҳисобланиб келинган бу хўжалик бу йил Хўжайли районида биринчилер каторида, 15 октябрда ёқ пахта тайёрлаш йиллик планини бажарди. Ватан омборларига 1450 тонна пахта жўнатилиб, социалистик мажбурият ҳам муваффақиятли адо этилди. Ҳосилдорлик гектарига 8,17 центнерга кўтарилди.

Давлатга топширилган пахтанинг 90 проценти биринчи сортга қабул қилинди. Колхоз сифатли пахта топширганлиги учун қўшимча равишда 114 минг 675 сўм даромад қилди. Умуман пахтачиликдан олинган даромад 595 минг 650 сўмни ташкил этди. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан эса 127 минг 550 сўм даромад олинди. Шундай қилиб, колхознинг пул даромади бу йил сметада белгиланган 417 минг 400 сўм ўрнига 723 минг 200 сўмни ташкил этади. Бу, ўтган йилдагидан 244 минг 660 сўм кўпдир.

Колхоз аъзолари йил бошида ким меҳнат ва маблағ сарфлаб мўл ҳамда арзон ҳосил етиштириш режаларини тузган эдилар. Шундан сўнг кўпгина резервлар қидириб топилди ва ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Колхоздаги ҳар бир киши меҳнатнинг тўғри ташкил этилиши — иқтисодий тежамнинг асосий манбаларидан бири эканлигини яхши тушунади. Бунинг учун эса ишни яхши уюштира билиш, одамларни меҳнатда янгидан-янги муваффақиятларга ундаш керак. Колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти ишни кадрлар танлаш ва уларни жой-жойига қўйишдан бошлади. Кўпгина бригадалар тажрибали, пахтачиликни яхши биладиган ва шу касбга ихлос қўйган деҳқонлар билан мустаҳкамланди. Уларнинг тажрибасини кенг оммалаштиришга катта эътибор берилди. Техникадан оқилона фойдаланиш — кун тартибидаги биринчи масала қилиб қўйилди.

Техника ихлосмандлари машиналар кучига таяниб, уларни кўз қорачиғидек асрадилар. Қишлоқ хўжалик техникасининг бекор туриб қолишига хотима берилди. Шунинг учун ҳам ҳосил йиғиб-теримида техникаден кенг фойдаланиш эвазига колхоз қўшимча равишда 22 минг 685 сўм даромад қилди.

Моддий манфаатдорлик — меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришнинг асосий омилларидан бири эканлигини бу ерда ҳамма билади. Шунга кўра, колхоз правлениеси ҳамда партия ташкилоти колхозчилар меҳнатининг миқдори ва сифатига қараб ҳақ тўлашда яхши тартиб ўрнатди. Колхозчилар ўз вақтида аванс олиб турдилар, нормани ошириб бажарган кишига муттасил қўшимча ҳақ бериб борилди. Бу, колхозчиларнинг меҳнатга бўлган муҳаббатини янада оширди. Бундан колхоз ҳам, колхозчи ҳам катта манфаат кўряпти.

Масалан, бу йил бир центнер пахта етиштиришга 29 сўм 11 тийин эмас, 18 сўм сарфланди. Ўтган йили бир центнер пахта етиштиришга 33 сўм 40 тийин харажат қилинган эди. Бу ўз навбатида киши куни қийматининг анча ошишига имкон берди. План бўйича ҳар бир киши куни қиймати 2 сўм 21 тийин белгиланган бўлса, амалда эса, у 5 сўм 47 тийинни ташкил этди. Агар ўтган йили ҳар бир колхозчининг ўртача йиллик иш ҳаки 932 сўмни ташкил этган бўлса, бу йил 1752 сўмга боради. Бу рақамлардан колхоз экономикаси нақадар мустаҳкамланиб бораётганлиги ва айни вақтда колхозчилар фаровонлиги янада яхшиланаётганлиги яққол кўриниб турибди.

Пахтачилик бригадаларидан бири ҳақида характерли мисол келтирмоқчимиз: Амет Хўжаниёзов КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорлари кенг муҳокама қилинаётган дамларда пахтачиликда ишлаш истагини билдирди ва қолоқ бригадалардан бирига юборишни илтимос қилди. Колхоз раҳбарлари ўрток Хўжаниёзовнинг илтимосини қондиришди, уни бир неча йиллар давомида гектаридан 7-8 центнердан ҳосил олиб келаётган қолоқ бригадага юборишди.

Ўрток Хўжаниёзов қолоқ бригадага моҳирлик билан раҳбарлик қилди. Одамларнинг қалбига йўл тополди. Ернинг хусусиятларини ўрганди, уни ўғитга, сувга тўйдирди. Шудгорлаш устидан ўзи назорат ўрнатди. Бригада 68 гектар майдонга чигит экиб, ҳар гектаридан 17,64 центнердан пахта топшириши керак эди. Бригада аъзолари планнигина бажариб қолмасдан, мажбуриятларини ҳам ошириб адо этдилар. Ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил топширилди. Пахтанинг ҳаммаси машиналарда териб олинди ва нуқул биринчи сортга қабул қилинди.

Энди бу рақамларни пулга чақиб кўрайлик. Бригада топширган пахтаси учун 77 минг 500 сўм пул олади. Шу пулнинг 45 минг 500 сўми киши-кунларига бўлиб берилади. Ҳар бир киши-кунининг қиймати 6 сўм 67 тийинни ташкил этади. Бригададаги ҳар бир кишининг йиллик ўртача иш ҳаки 1832 сўм бўлади. Бу, умумколхоз кўрсаткичларидан анча юқори.

Колхоз аъзолари қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаб, хўжалик экономикасини кўтариш мақсадида янги резервларни қидириб топмоқдалар.

Шу кунларда колхознинг ҳисобот йиғилишига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бу йиғилишда хўжалик йилининг натижаларига якун ясалади. Колхоз раиси Бекниёз Файзуллаев ўз докладида жуда кўп қизиқарли рақам ва мисолларни келтиради. Бухгалтериядагилар ҳам ҳисобот йиғилишига яхши тайёрланишяпти. Ҳозир инвентаризация қилиш ишлари тугалланай деб қолди.

Колхоз аъзолари ўз йиғилишларида 1966 йилда — янги беш йилликнинг дастлабки йилида амалга оширилиши лозим бўлган режаларни тасдиқлаб оладилар. Улар КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани ҳар томонлама кучайтириб, колхоз ишлаб чиқаришини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳис-туйғулари билан нафас олмоқдалар.

И. МАДГАЗИН.

Қорақалпоғистон АССР.

ШАВКАТЛИ МЕҲНАТ УЧУН МУКОФОТЛАР

СССР Олий Совети Президиумининг топшириғига биноан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин 11 ноябрда республика матлубот кооперациясининг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларига орден ва медаллар топширди. Улар кооператив савдони ривожлантиришда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашё харид қилиш ва қайта ишлашни ташкил этишдаги хизматлари учун мукофотланган эдилар.

Андижон областидаги Москва район матлубот союзи правлениесининг раиси Абдуғани Ҳамидов ва Хоразм областидаги Гурлан район матлубот жамиятининг магазин мудири Раҳимбой Юсупов Ленин ордени олдилар. Кооператорларнинг катта группасига Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат Белгиси» орденлари, «Шавкатли меҳнат учун» ва «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медаллари топширилди.

Кооператорлар мукофотларни қабул қилиб олар эканлар, уларнинг меҳнати юксак баҳоланганлиги учун партия ва ҳукуматга чин қалбдан ташаккур билдирдилар.

А. С. Абдалин мукофотланганларни қизғин табриклади, уларнинг ишларида янгиданянги муваффақиятлар тилади.

(ЎзТАГ).

Механизаторнинг муваффақияти

ФАРҒОНА, 10 ноябрь. (ТАСС). «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қурбон Кенжаев бошлиқ комплекс механизациялашган бригада пахта далаларида йиғим-терим Фарғона областида ҳаммадан олдин тамом бўлди. Коммунистик меҳнат коллективининг аъзолари 53 гектар майдоннинг ҳар гектаридан машинада 35 центнердан ҳосил териб олдилар. Бу эса планда кўзда тутилганидан бир ярим баравар кўпдир. Бригада бошлиғининг ўзи эса «зангори кема» бункеридан 185 тонна пахта тўқди.

МАИШИЙ ХИЗМАТНИ ЯХШИЛАЙЛИК!

АРЗОН ВА ЛАЗЗАТЛИ

— Шўрва ширин бўлибди!

— Кечаги мастава ҳам лаззатли эди.

— Ошпазнинг қўли дард кўрмасин!

Колхозчилардан ана шундай миннатдорлик сўзларини эшитиш мумкин.

Аҳдига вафодор деҳқонларнинг жасоратига лойиқ хизмат кўрсатиш ҳар бир савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ходимларининг шарафли бурчи. Бухоро область Ғиждувон район матлубот жамиятига қарашли умумий овқатланиш корхоналари коллективлари дала меҳнаткашларига арзон нархда лаззатли таомлар тайёрлаб бериш учун бор имкониятларни ишга солмоқдалар. Ғиждувон ва Қизилтепа матлубот жамияти умумий овқатланиш корхоналари колхозчиларга хизматни яхшилаш мақсадида марказлашган ошхоналар очиб, сифатли ва мазали хилма-хил овқатлар тайёрлаб бермоқдалар.

Очилов, Эргашев, Қурбонов, Азаматов, Турсунов каби ошпазлар ҳар куни 1200-1300 колхозчига таом тайёрлаб, уларнинг ҳурматини қозонмоқдалар.

Райондаги 18 колхознинг деярли ҳамма бригадалари иссиқ овқат билан ўз вақтида таъминланаётир.

Райондаги Энгельс номли, Калинин номли, «Гулистон», «Москва», «Ленинизм» ва «Коммунизм» каби колхозларнинг правлениелари ва партия ташкилотлари ошпазларга яхши шароит яратиб бераётирлар.

Миришкорларга хизматимизни аямаймиз.

Ш. АВЕЗОВ,
Ғиждувон район матлубот союзи умумий овқатланиш корхоналари бошлиғи.

ШАХМАТ

ТАЛМИ ЁКИ СПАССКИЙ!

Умуман шахмат ва шахматчилар ҳақида минг йилдан бери китоблар ёзиб келинади. Кейинги уч йил ичида, яъни жаҳон миқёсида мусобақалар ўтказила бошлангандан бери ва айниқса, охирги 10-15 йил орасида нашр этилган шахмат адабиётлари ҳажм жиҳатидан, айрим соҳалар бўйича чиқарилган китоб бу қўлланмалар билан беллол рақобат қила олади. Бу — зарурат оқибати, албатта.

Ҳозир Тбилисидаги Руставели номли театрнинг кичик зали ҳафтада уч марта шахматчилар ихтиёрида. Бу ерда замонамизнинг энг зўр, энг талантли икки шахмат жангчиси ўзаро куч синашмоқда. «Қилич ялангочлаганлар»нинг бири собиқ жаҳон чемпиони Михаил Таль бўлса, иккинчиси — халқаро гроссмейстер Борис Спасскийдир. Бу матч тугагач, албатта, яна битта китоб бунёд га келади. Бунисн унақа-бунақа китоблардан бўлмайди. Узига хос услубга эга, ўз маҳоратлари билан шахмат санъатини бойитишга катта ҳисса қўшаётган бу икки ёш гроссмейстернинг ижодига якун ясайдиган, миллионлаб шахмат ҳаваскорлари севиб ўқийдиган бир қўлланма бўлади. Ҳозирча дастлабки «боблар»нинг ҳомакироқ вариантлари намоён бўлмоқда. Биз ана ўша бобларнинг нузатувчиси сифатида, ўз мулоҳазаларимизни баён қилиш истагидамиз. Эсингизда бўлса керак, бундан уч ой муқаддам Югославияда ўтказилган ярим финал матчи қатнашчиларидан бири даниялик Ларсендан: ким ютади, сизми ёки Таль, деб сўрашганда у: мен! — деган эди. Ушбу матч бошланмасдан сал олдинроқ муҳбирлар Б. Спасскийга ҳудди шу саволни беришганда, иккимизнинг биримиз, деб калта, ҳаққоний, кампарона жавоб берди.

Агар матчгача рўй берган ҳисобнинг Спасский фойдасига 5:1 эканлигини назарда тутиладиган бўлса, Талга рахмнинг келади. Аммо ғиналик гроссмейстер ҳеч кимдан тап тортмайдиган жангчи. Асосий қуроли — комбинацияларига ишонади у. Ўйналган партияларга нисқача тўхталамиз.

Дастлабки ўйинни оқ доналар билан бошлаган Таль, ҳужумни дебютлар назариясида испанча, деб аталувчи схемада бошлади. Спасский бир пиёда қурбони билан боғлиқ Маршал атанасини қўллади. Ҳа, улар бир-бирларини разведка қилиб ўтирмай, дадил нурашга киришдилар. Ўйинга кескин тус берувчи бу системани масъул учрашувларда кўп марталаб синовдан ўтказган Спасский, 18-юришда ҳозиргача номаълум бўлган янгиликни қўллайди. Таль бир соатга яқин ўйга толади. Унинг муранаб ҳисобига кирувчи 20-юриш Спасскийни 50 минутча ўйлатиб қўйди. Шу орада вазиятни мувозанатга келтирувчи вариантлар бўлса-да, рақиблар «битим эонаси»ни четлаб ўтардилар. Таль 26-юришда бир отини бериб, ажойиб комбинацияни амалга оширмоқчи бўлди-ю, ленин ҳушёр рақиб барча хавф-хатарларни бартараф этишга эришди. Позиция соддалашди ва 37-юришдан сўнг томонлар ноилож дурангга рози бўлишди.

Иккинчи партияда ҳозирги замон ўйрик мусобақаларида кўп қўлланаётган сицилианча ҳимоянинг кескин вариантларидан бири ишга солинди. Ўйин ўрталарида Таль чуқур ўйланган комбинация ёрдамида рақибининг бир оту бир филига қарши, бир руху иккита олди очиқ пиёдага эга бўлди. Бу ўйин нечиктирилди-ю, аммо давом эттирилмади: ўйда таҳлил қилиб, Спасский ўйнамасданоқ таслим бўлди.

Учинчи партияда ҳам биринчисидагидек испанча партия қўлланди, бироқ бу сафар қоралар (Спасский) бошқача вариантни танлади. Ўйиннинг боришига қараганда натижа дуранг бўлиши кутилади. Аммо Спасский рақибининг бир оз хафсаласизлигидан фойдаланиб ва ўз навбатида нафис маневрлар қилиб, аста-секин бир пиёдани, сўнг 66-юришга борганда ўйинни ютди. Байрам кунлари ўйналган тўртинчи партиянинг дуранг натижа берганлигига таажжубланмаса ҳам бўлади: ғалабага интилишса-да, ютиш қўлларидан келмагандан кейин бир-бирларини «хафа» қилишдан эҳтимол, воз кечишган бўлса керак.

Матчнинг учдан бир қисми тугади. Ҳисоб 2:2. Бинобарин бешинчи учрашувдан бошлаб рақиблар-дўстлар нурашни янгитдан бошлашади.

Бу матч, унга бўлган зўр қизиқиш, ўйналаётган партиялар-нинг мазмундорлиги, қолаверса, қатнашчиларнинг оригиналлиги билан жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган матчлардан қолишмаяпти асло. Ҳали ўйин кўп. Тарозининг қайси палласи босиб кетиши номаълум. Масаланинг ҳал бўлишида асабий кучлар нисбати ҳам катта роль ўйнайдиганга ўхшайди.

Матч олдидан Талдан: соғлигингиз яхшими, деб сўраганларида, у:

— Ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман. Ҳатто матчдан кейин ҳам насал бўлмоқчи эмасман, деганини ҳам ҳисобга олиш даркор. Энг асосийси — шахмат олами ҳозирча мамнун, қолган ўйинлардан ҳам норози бўлмаса керак.

М. МУҲИДДИНОВ,
СССР спорт мастери.

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

АҚШ КОМПАРТИЯСИ УСТИДАН СУД

ВАШИНГТОН, 11 ноябрь. ТАСС мухбири **В. Вашедченко** хабар беради:

АҚШ Коммунистик партияси устидан ўтказилаётган судда айбловчи томон «гуноҳларининг» гуноҳлик бериши кеча давом эттирилди. Аввал Этель Ньютон деган хотин гуноҳлик берди. Бу хотин 1953 йилда федерал текшириш бюросида ишлай бошлаган эди. Федерал текшириш бюросининг буйруғи билан у 1955 йилда Компартия сафига суқилиб кириб олди ва етти йил мобайнида ҳукуматдан пул олиб туриб, жосуслик қилиб келди. Ньютон Компартия сафидан чиқ-қанидан кейин ҳам федерал текшириш бюроси билан ҳамкорлик қилишни давом эттирди ва бунинг учун пул олиб турди.

Суддаги савол-жавоб вақтида у ўзининг федерал текшириш бюроси билан алоқада бўлиб келганлигини бўйнига олди. Шунга қарамай, суд Компартия ҳимоячиларининг норозиликларига қулоқ солмасдан, мана шундай «гуноҳларнинг» гуноҳлигини эшитишни давом эттирмоқда.

Судда очилаётган фактлар Америка Компартияси ва унинг аъзоларини жуда кўп жосуслар ва провокаторлар ҳамиша пойлаб юрганлигини кўрсатиб турибди. Компартиянинг арбобларидан бири бўлган Гэс Холл шу йил май ойида Сан-Францискода ЮПИ телеграф агентлигининг мухбири Поль Жешкенинг саволларига жавоб берган эди. Кеча шу мухбир судда қораловчи гувоҳ тариқасида сўроқ берди. Маълум бўлишича, мазкур «мухбир» ўша суҳбатни тамомлаш биланоқ дарҳол федерал текшириш бюросига маълумотнома ёзиб юборган экан. Энди ўша суҳбатнинг тексти Компартияга қарши қораловчи суҳбат тариқасида судда рўкач қилинмоқда.

Виржин университетининг студентлари Гэс Холлни студентлар йиғилишида нутқ сўзлаш учун таклиф қилган эдилар. Студентлар жамиятининг президенти ва Гэс Холлни студентларга таништирган Жон Ньюсон ҳам кеча судда Компартияни қоралаб гувоҳлик берди. Жон Ньюсон ҳам федерал текшириш бюроси томонидан тайинланган жосус бўлиб чиқди.

АҚШ ҳукумати томонидан Компартияга қарши ўтказилаётган суд Америка Коммунистик партиясига нисбатан полиция таъқиботлари нақадар кенгайтириб юборилганлигини, Қўшма Штатларда сўз ва матбуот эркинлиги нақадар қўпол равишда поймол қилинганлигини кўрсатиб турибди.

Суднинг навбатдаги мажлиси 15 ноябрда ўтказилади.

М. ГЛЕЗОС — ИТАЛИЯ МЕҲМОНИ

РИМ, 11 ноябрь. (ТАСС). Грециянинг миллий қаҳрамони Манолис Глезос шу кунларда Италияда меҳмон бўлиб турибди. У, Италия партизанлари миллий уюшмасининг таклифига биноан Греция демократик сўл партияси делегацияси составида бу ерга келди. Делегация Италия демократик партиялари ва бошқа жамоат ташкилотларининг раҳбарлари билан учрашади.

Манолис Глезосни Италия Коммунистик партиясининг Бош секретари Луижи Лонго қабул қилди. У грек ватанпарварига хотира олтин медали, шунингдек Манолис Глезоснинг фашизмга қарши хизматлари қайд қилинган дипломни топширди.

АМЕРИКА СЕНАТОРЛАРИНИНГ ЧЕТ ЭЛЛАРГА САФАРИ

ВАШИНГТОН, 11 ноябрь (ТАСС). Америка сенаторларининг бир группаси сенатдаги демократик кўпчиликнинг раҳбари Мэнсфилд бошчилигида бир неча кундан кейин Европа ва Шарқий-Жанубий Осиёнинг «бетинч районлар» деб аталган мамлакатларига инспекция ўтказиш мақсадида жўнаб кетади.

Бугун Мэнсфилд, бу группа чет мамлакатларга шу мамлакатларни «кўриш, одамларнинг фикрини эшитиш» ва сўнгра шу сафар натижаларини президентга ва конгрессга баён қилиб бериш мақсадида сафарга чиқмоқда, деди.

АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг сенаторлар тушган реактив самолёти аввал Лондонга бориб, у ердан Парижга ва Ғарбий Германияга ўтади. Сенаторлар группаси Европа сафарини тамомлагач, Жанубий Вьетнамга жўнаб кетади.

Колумбия. Бу суратдаги кишилар бошқа ерсиз деҳқонлар билан бирга бўш ётган ерларни эгаллаб олганлари учун қамоққа ташланган. Ана шу ерларнинг эгаси кўрсатмаси билан деҳқонларни турмага ташладилар.

ТАСС фотохроникаси.

ПОРАХЎР СУДЬЯЛАР

АҚШдаги Филадельфия шаҳрида ҳакамлик ишларини яқин вақтгача 28 судья бажариб келган эди. Улардан фақат бир киши юрист бўлиб, қолганлари иш ўнғидан келмаган сиёсатчилар экан. Шунинг учун ҳам хизмат лавозимидан ўз манфаатларини кўзлаб фойдаланишда улар жуда омилкор чиқиб қолганликлари таажжубланарли эмас. Шаҳар прокурори Арлен Спектер Филадельфия судларининг фаолияти билан танишиб чиқиб, бу компанияни «пора хўрлик муз тоғи» деб атади. Спектер тузган 515 саҳифадан иборат доклад Филадельфия судьялари ҳамма шаҳарларини сурбетларча алдаб келганликлари ҳақидаги бутун бир қиноядир. Улар айбдорлардан ҳам, бегуноҳлардан ҳам пул олганлар. Ҳатто жиноятчиликда гумон қилинган кишилар ҳам пул тўлашга мажбур бўлганлар.

Дастлабки тергов ҳамоғидан озод қилиш учун Филадельфия судьялари қонунда кўрсатилган бир доллар ўрнига хар бир кишидан 25 доллардан олганлар. Судья Эрл Лейн эса ҳар бир кишидан 170 доллар олган.

Суд ишини вақтинча кечиктириш учун ҳам маълум миқдорда пул тўланган. Прокурор далиллар келтирганидан сўнг судья Гарри Эллик:

— Суд ишни вақтинча кечиктирилганлиги учун катта-роқ кишилар 500 доллар тўлайдилар, майда кишилар 200 доллар... — деб тан олган.

28 порахўр судья жиноятчиликнинг авж олишидан манфаатдор бўлган: жиноят қанчалик оғир бўлса, судьялар шунчалик кўпроқ пора олганлар. «Ахлоққа қарши жиноят»нинг ҳам ўз баҳоси бўлган. Бундай жиноят қилган кишн айрим ҳолларда 2500 долларгача пул тўлагандан сўнг қутулиб кетиши мумкин экан.

Судьялар маҳаллий қимор уйлари эгалари билан мустаҳкам алоқа ўрнатганлар ва полициядан улар шаҳарликлардан қонунга ҳилоф равишда олган жарималарнинг ярмини мунтазам равишда чўнтакка уриб келганлар.

«Тайм» журналининг хабар беришича, ҳозир Филадельфия судьяларидан 11 киши қамоқда ётибди. Аммо Америкадаги бу энг йирик шаҳарлардан бирида судлов ишлари ўзгаришсиз қолди. Ўша «Тайм» журналининг ёзишича, шаҳарда суд системаси 274 йилдан буён ўзгарган эмас! Прокурор Спектер ўзи фош этган порахўрлар шайкасини «порахўрлик муз тоғи» деб атаганда ана шу системани кўзда тутган бўлса керак. Ахир океанларда сузиб юрадиган муз тоғининг оз қисмигина сув юзасидан кўриниб туради. Қолган қисми кўринмайди...

ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИ УЧУН КУРАШМОҚДАЛАР

БРАЗИЛИЯ МЕТАЛЛИСТЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Бразилиянинг Сан-Пауло штатидаги металлургия ва металл ишлаш корхоналарининг ишчиларидан 250 минг киши умумий забастовка эълон қилган эди. Уч кун давом этган бу забастовка уларнинг ғалабаси билан тугади. Меҳнат низоларини кўриб чиқувчи трибунал забастовкачларнинг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талабларини қондириш ҳақида қарор қабул қилгандан кейин ишчилар ишга қайтиб келишди.

Забастовка оммавий тус олди. Унда штатдаги металлист ишчиларнинг 90 проценти қатнашди. Забастовка раҳбарларидан бир неча кишини қамоққа олган полиция уларни бир неча соатдан кейинок қўйиб юборишга мажбур бўлди.

СЕНТ-ЛУИСДА МЕХАНИКЛАР ЗАБАСТОВКАСИ

НЬЮ-ЙОРК. Сент-Луисдаги «Макдоннелл эйркрафт» самолёт-ракета компаниясига қарашли корхоналарнинг механикларидан 16 минг киши забастовка эълон қилди. Бу забастовка корхона эгалари билан тузилган коллектив шартномаларнинг муддати тугагандан кейин орадан кўп вақт ўтмай бошланди. Забастовкачилар янги шартнома тузишни ва иш ҳақини оширишни талаб қилмоқдалар.

Забастовка туфайли «Жеминай» лойиҳаси асосида космик кемалар ясаш соҳасидаги ишлар тўхтаб қолди. Вьетнамдаги уруш ҳаракатларида фойдаланилаётган «Фантом» типидаги реактив қирувчи самолётларни ишлаб чиқариш ҳам тўхтатиб қўйилди.

ИТАЛЬЯН ИШЧИЛАРИНИНГ КУРАШИ

РИМ. Миландаги «Пирелли» резина фабрикасининг меҳнаткашларидан 12 минг киши 24 соатлик забастовка ўтказди. Ишчилар эксплуатациянинг кучайиб бораётганига қарши норозилик билдирмоқдалар ва ишлаб чиқаришда бериладиган мукофотлар тўғрисидаги масаланинг бартараф этилишини талаб қилмоқдалар.

Неаполь ва Салернода тегирмон ва озиқ-овқат саноатининг ишчилари иш ташладилар, чунки корхона эгалари меҳнат шартномасини бошқатдан тузиш тўғрисида музокаралар бошлашдан бош тортдилар. Салернода «Круделе» фабрикасининг меҳнаткашлари 20 кундан бери корхонани эгаллаб олиб, бир қанча ишчиларни бўшатиш тўғрисидаги қарор бекор қилинсин, деб талаб қилмоқдалар.

Туринда яқинда Американинг «Женерал электрик» компанияси ихтиёрига ўтиб кетган «Оливетти» фирмасига қарашли электротехника заводидаги касаба союз ташкилотлари янги дирекция иш ҳақи масаласида музокара бошлашдан бош тортганлиги учун забастовка эълон қилдилар.

Гроссето вилоятида шахталарнинг кончилари забастовка ўтказдилар, Генуяда «Пезенти» заводининг цементчи ишчилари янги меҳнат шартномаси тузиш учун яна нураш бошлаб юбордилар.

ЯГОНА ФРОНТ БЎЛИБ

ПАРИЖ. Бильбао яқинидаги (Испания) Сестаода кемасозлик корхоналарининг 5 минг ишчиси икки ҳафталик забастовка да қатнашди. ЮПИ агентлигининг хабар беришича, маъмурият меҳнат битимини бузганлигига қарши норозилик белгиси сифатида эълон қилинган бу забастовка икки ҳафта давом этган. Ягона фронт бўлиб нураш бошлаган забастовкачи кемасозларни Бискайя вилоятидаги кўпгина корхоналарнинг меҳнаткашлари қўллаб-қувватлаган.

ЗАБАСТОВКАЧИЛАРГА ҚАРШИ РЕПРЕССИЯЛАР

ТОКИО. Япония телеграф ва телефон ходимлари маошга қўшиб бериладиган ҳақни тўлашни талаб қилиб, телеграф-телефон корпорациясининг маъмурияти устидан судга даъво аризалари бериш юзасидан оммавий кампания бошладилар. Корпорация ана шу ҳақни бермасдан ушлаб турибди.

Маъмурият телеграф ва телефон ходимлари Умумяпония касаба союзларининг эъзолари апрелдаги ўн икки соатлик забастовкада қатнашганлиги учун уларга қарши кўриладиган репрессия чораларидан бири сифатида қўшимча ҳақни тўламай қўйди. Айни бир маҳалда маъмурият касаба союз аъзоларидан қарийб 160 минг кишини оммавий репрессияларга дучор қилди (ишдан бўшатди, жарима солди, маошини камайтирди).

Ҳозир қўшимча иш ҳақи 3 ойдан бери берилмай қўйган алоқачилардан 17,5 минг киши мамлакатнинг турли районларидаги судларга бараварига шикоят аризалари топширмоқда.

Корпорация маъмурияти суд терговида ҳозир бўладиган касаба союз аъзоларига нисбатан янгидан репрессия чоралари кўрамиз, деб огоҳлантирди. (ТАСС).

АЙБДОР КИМ?

Германия Федератив Республикасининг муҳим сиёсий ишлар бўйича олий суди — Федерал суд жиноий ишлар бўйича учинчи сенат 18 ок тябрдан буён конституцияни ҳимоя қилиш бошқармасининг собиқ ходими Вернер Печ ишини кўрмоқда. Унг давлат ва хизмат сирларини ошкора қилиб қўйишда айбламоқдалар. Айбномада таъкидланишича, Печ бу сирларни Бонн конституциясини ҳимоя қилиш бошқармаси телефон гапларини эшитиб туради, деб газета орқали фош қилиб кўйган.

Печ иши юзасидан ўтказилаётган процесс Бонн практикасининг яна бир шармандали томонини очиб ташлайди. ГФР конституциясида почта ва телеграф орқали гаплашишлар, шунингдек телефонда гаплашишлар сир сақланиши гарантияланган. Бир вақтлар телефондаги гапларни бошқарма ходимлари эшитиб туриши ҳақидаги газета хабари юзасидан Бундестагда савол берганларида ўша вақтдаги ички ишлар министри Хехерль расмий равишда телефондаги гаплашувларни ҳеч ким эшитмайди деб айтди. Маълум бўлишича, министр Хехерль бутунлай ёлғон гапирган экан. Аммо уни эмас, Печни суд қилмоқдалар.

Нима учун шундай? Бу саволга судда Вернер Печнинг ўзи муфассал жавоб берди. У конституцияни ҳимоя қилиш бошқармасидаги кўпгина асосий лавозимларни собиқ эсэсчилар, гестапочилар ва Гиммлернинг «хавфсизлик хизмати» ходимлари эгаллаб турганлигини айтди. Печ ўзининг бевосита бошлиғи, 1932 йилдан буён СС офицери Эрих Венгер Гитлер тузуми даврида ўлим жазоси бериш ҳақида 60 ёки 70 та ҳукм чиқаришда қатнашганлигини айтиб мақтанганлигини судга айтиб берди.

Печ яна шуни айтдики, конституцияни ҳимоя қилиши лозим бўлган ташкилотда «иш гестапо усулларида олиб борилмоқда». Суд бу сўзларни эшитгач, галати иш тутди: томошабинлар ва журналистларни чиқариб юборишни, суд мажлисини ёпиқ давом эттиришни буюрди...

Эртасига томошабинлар яна суд залига ёпирилиб келганда, саҳнага шарманда бўлган бошқарманинг раҳбари Шрюбберс чиқарилди. У бошқармадаги барча ходимларнинг ўтмиши ўзига яхши маълум бўлса ҳам, «собиқ гестапочилар криминалистика техникаси соҳасида зўр тайёргарлик кўрганликлари учун уларнинг хизматидан фойдаланмоқдамиз» деб ўзини оқлашга уринди.

Бу каллакесарларнинг қандай «тайёргарлик» кўрганликларини билган киши улар ГФР гражданларининг конституцион ҳуқуқларини қандай «химоя» қилаётганликларини тасаввур қилиши қийин эмас.

Конституцияни бузди деб ана шу гестапочиларни эмас, балки уларни фош қилган Вернер Печни суд қилмоқдалар.

(«НОВОЕ ВРЕМЯ»дан).

Хавфсизлик кенгашини чақириш илтимос қилинмоқда

ЛОНДОН, 11 ноябрь. (ТАСС). Англия бугун Жанубий Родезиядаги аҳволни муҳокама қилиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашини чақиришни илтимос қилди. Рейтер агентлигининг мухбири БМТ штаб-квартирасидан ана шу ҳақда хабар беради.

Смит ҳукумати бугун Жанубий Родезияни ўзбошимчалик билан «мустақил» деб эълон қилганлиги сабабли Англия Хавфсизлик Кенгашини чақиришни илтимос қилди.

ИНДОНЕЗИЯДАГИ АҲВОЛ

ЛОНДОН, 11 ноябрь. (ТАСС). Индонезияда Коммунистик партия ва бошқа прогрессив ташкилотларнинг аъзоларини таъқиб қилиш давом этмоқда. Рейтер агентлиги мухбирининг Жакартадан хабар беришига кўра, ҳарбий маъмурлар бутун мамлакатда сўл элементларни қамоққа олмоқдалар.

НЕВАРАСИНИНГ НЕВАРАСИНИ КЎТАРИБ...

Қишлоқ йўлидан йўрга эшакка миниб олган бир чол келаётган эди, ҳамроҳим менга:

— Шу қария 106 ёшда, ҳали тетик. Бир суҳбатлашиб кўринг-а,— деб қизиқтириб қўйди.

Эшакни тийран йўрттириб келишидан, яна олдига 3 ёшлар чамасидаги қорачагина бир болани ўтказиб олганидан бу қариянинг ёши бир асрдан ошганига бовар қилиш қийин эди.

Саломимизга тетик овоз билан алик олди ва гапга тутмоқчилигимизни сезди шекилли, жиловни тортди.

— Йўл бўлсин, отахон?— сўрадик биз.

— Эй, асти сўраманг, бўтам, қийин савдога қолдим... Кўринишингиздан бу ерликка ўхшамайсиз, икки оғиз суҳбатлашайлик. Ўзим ҳам қаерда бир оз нафасни ростлаб олсам экан, деб келаётиб эдим,— деди-да эшагидан туша бошлади. Ҳамроҳим билан биз унинг қўлтиғидан тутиб суяб туширмоқчи бўлгандик, улгурмадик—чавандозлардек лип этиб тушди-олди. Йўл чеккасидаги тут тагига ўтирди-да гапини давом эттирди:

— Қийин савдога қолдим. Бирпиникида 3-4 кун туриб қолсам, иккинчиси, иккинчисиникида оғирдамроқ қолсам, учинчиси хафа бўлади. Бола-чақа, невара-чеваранинг кўпи ҳам отага қийинчилик туғдираркан.

— Ҳисобдан адашиб кетганингиз йўқми?— ҳазиломуз сўради ҳамроҳим.

— Адашиб эсимни еппанми? Тўрт ўғил, 2 қизим бор. Уларнинг болаларининг исми тугул ёшигача биламан. Ўғил-қизим, невара-чевараларим жами 166 га етди. Ҳозирча чеварамдан неварам кўп. Болаларим ҳам отасига тортган —серфарзанд, сердавлат.

Бу чол—Султон бобо Пиримов киши ҳайратда қоладиган даражада тетик, зийрак ва хушчақчақ экан. У ҳамма савол-ларга тўлиқ жавоб берарди. Суриштирсак, бобонинг тўнғичи Дилмурод ака 72 ёшга чиқибди. Шу райондаги дунёга танилган «Нишон» давлат қорақўлчилик заводида илғор чўпонлардан бири экан. Унинг ўндан ортиқ невараси бор экан.

Султон бобонинг бир ўғли Эшмурод ака 12, қизи Мастура 13 фарзанд кўришипти. Эшакда мингаштириб келаётгани ўғилча ана шу Мастура опанинг 12 ўғлидан бири Шомуроднинг невараси экан. Демак, Султон бобо неварасининг неварасини ўйнатиб юрган экан.

Нева раларимнинг неваралари ҳам 20 дан ошиб қолди, — дейди мўътабар бобо ёқимли жилмайиб. Жилмайганда унинг садафдек оқ, гуруҳдек майда тишлари кўринади.

Ҳали қомати мункаймаган, сочлари тўкилмаган, гапи ва нигоҳи тетик бу бободан узоқ яшаётганингизнинг сири нимада деб биласиз?—деб сўраган эдик, у қисқагина жавоб берди:

— Меҳнатда. Эсимни танганимдан бери меҳнатни бир кунканда қилганимни билмайман. Ҳозир ҳам бекор ўтиролмайман. Эрмак учун янтоқ чопаман, молларга ўт юламан, ғайратим кўзиб , кетса, бир-икки этак пахта ҳам тераман.

Узоқ умр кўриш, обрў-эътибор қозониш ва фаровон турмуш кечиришнинг бирдан бир манбаи меҳнатда деб билган Султон бобо ўз фарзандларини невара-чевараларини ҳам меҳнатга муҳаббатли қилиб тарбиялаптн.

Қашқадарё область, Қарши районининг Фазли қишлоғида истиқомат қилаётган Султон бобонинг узоқ умр кўраётганининг сабабларидан яна бири шундаки, у чекмаган, спиртли ичимликни оғзига олмаган.

З. ИСРОИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон спортчиларининг учрашуви

ДЕҲЛИ, 11 ноябрь. (ТАСС). «Пўлат шаҳри» — Бхиландаги металлургия заводининг стадионида Ҳиндистон билан Ўзбекистон енгил атлетикачиларининг мусобақалари ўтказилди. Мусобақалар вақтида Ҳиндистон рекордларидан устун турувчи икки натижа кўрсатилди. Ҳинд спортчиси Камлеш Камбал хотин-қизлар орасида ядрони мамлакатнинг аввалги рекордидан 1 метру 26 сантиметр узоқроққа — 12 метру 40 сантиметрга иргитди. Лангарчўп билан сакрашда меҳмон ўрнак кўрсатди: Игорь Чувилин 4 метру 33 сантиметр баландликдаги планкадан ошиб ўтди.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон енгил атлетикачиларининг навбатдаги учрашуви Қандиҳар (Панжоб) шаҳрида ўтказилади.

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Бухоро областининг шимолида ҳаво ўзгариб туради, деярли ёғингарчилик бўлмайди. Жануби-ғарб томонидан секундига 3-7 метр тезликда шамол эсиб туради, 4-9 даража иссиқ бўлади.

Республиканинг бошқа областларида булут кам бўлиб, ёғингарчилик бўлмайди. Кучсиз шамол эсиб туради, 12-17 даража иссиқ бўлади. Жануб томонда ҳарорат 20 даражагача етади.

Тошкентда булут кам бўлиб, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқ томондан секундига 3-7 метр тезликда шамол эсади, 15-17 даража иссиқ бўлади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ЭЪЛОНЛАР • ТОМОШАЛАР • РЕКЛАМАЛАР

РАДИО

13 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 18.00, 19.00, 19.10, 19.50, 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

6.15 — Концерт, 6.45 — Гимнастика (ўзб.), 7.35 — Эшиттиришлар программаси, 8.25 — Ўзбек музикали драмаларидан парчалар.

9.15 — «Совет Ўзбекистони», 9.23 — «Правда Востока», 9.53 — «Ленин байроғи», 16.00 — «Правда» газеталарининг обзори.

9.30 — Концерт, 9.45 — «Самарали меҳнат — катта даромад манбаи» (тож.), 10.10 — Концерт (рус.), 10.30 — Топишмоқли концерт, 11.10 — Радиопочта (ўзб.), 11.25 — Музикали ганафуш, 12.15 — Спорт эшиттириши (рус.), 12.30 — Қўшиқлар, 12.50 — Янгиликка йўл (рус.), 13.00 — Чорвадорлар учун (қоз.), 13.40 — Эстрада куйлари, 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (ўзб.), 16.15 — Концерт, 17.20 — Уйғур куйлари, 18.10 — Концерт (рус.), 18.30 — Камер асарлар, 19.20 — Озарбайжон куйлари, 20.00 — «Ёшлик» радиостанцияси, 20.15 — Эстрада-рақс концерти, 21.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун, 22.00 — Телетайп лентасидан (ўзб.), 22.10 — Халқ рақслари, 23.10 — Эстрада концерти.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

13 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.00 — **Ҳаммамиз бир отряддан** (болалар учун), 17.25 — **Телевизион янгиликлар.**

Рус тилида: 17.40 — **Романтиклар учун. Совет киноси** (кинофильмлар). 18.00 — **Телевизион янгиликлар.** 18.15 — **Реклама ва эълонлар.** 18.20 — **Эстрада концерти** (Москва ва Ленинград артистлари ижросида).

Ўзбек тилида: 19.05 — **Телевизион миниатюралар** («Ёшлик» студияси).

Рус тилида: 19.45 — **Казаклар йиғлаганда** (катталар учун кинофильм). 20.10 — **Киножурнал ва Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг** номли кинокомедия.

21.25 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.30 — **Қишлоқ меҳнаткашлари учун** (эшиттириш ва концерт).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/XI да **Риголетто**, 14/XI да кундуз **Семург**, кечқурун **Травиата**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—13/XI да **Қотил**. 14/XI да **Мирзо Улуғбек.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/XI **Гули сиёҳ**, 14/XI **Нодира.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА— 13, 14/XI кеч соат 7 яримда **Концертлар.** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Фахриддин Умаров**, солистлардан **М. Мўминова, Р. Мўминова, С. Шукурова** ва бошқалар қатнашади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Грузин цирки артистларининг гастроли.**

КИНО

Улар ўтмайди—«ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 3-15 минутдан).

Бизнинг уй — «МИР», «ИСКРА» (1 ва 2-зала), «ДРУЖБА» (2-зала), «МОСКВА», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6.15 минутгача).

Самарқанд шаҳар Тимирязев номли
ЗООВЕТЕРИНАРИЯ ТЕХНИКУМИ
1965/66 ўқув йили учун
СИРТҚИ БЎЛИМГА
ўқувчилар
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Техникумда: **зоотехния, ветеринария, асаларичилик, қорақўлчилик бўлимлари бор.**
Аризалар директор номига ёзиб берилади.
Кириш имтиҳонлари 1 декабрдан бошланади.
7-8 синфни тамомлаганлар: она тилидан (диктант), математикадан (ёзма ва оғзаки). 10-11 синфни тамомлаганлар: она тилидан (иншо), математикадан (ёзма ва оғзаки) имтиҳон топширадилар.
Адрес: Самарқанд шаҳар, Возрождение кўчаси, 8-уй.

ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!
«СОЮЗГЛАВРЕАКТИВ» ТОШКЕНТ КОНТОРАСИ
базанинг инвентаризацияга ёпилиши муносабати билан, 1965 йилга ва 1966 йилнинг 1-кварталига бўлган заявкалар юзасидан
химиявий реактивларни
15 декабргача олишни таклиф қилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
институтга кириш учун тайёрлайдиган
КУРСГА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Ўқиш ҳақи — 30 сўм.
Ўқиш муддати — 8 ой.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 104-уй.

Қозоғистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг
ҚОПЛОНБЕК ЗООВЕТТЕХНИКУМИГА
химия, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электр. лаштириш, физкультура
ЎҚИТУВЧИЛАРИ КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Чимкент область, Сариёғоч район.

«ПОЛИТОТДЕЛ» СТАДИОНИДА
13, 14 ноябрда
«Труд» (Воронеж) — «Политотдел» (Тошкент область) командалари ўртасида
ФУТБОЛ
Кундуз соат 3 да бошланади.
13/XI да дублёр составлар, 14/XI да асосий составлар ўйнайди.
Инқилоб хиёбони ва Қўйлиқдан махсус автобуслар қатнайди.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари—27283. Партия турмуши—33469, 27221. Марисча. ленинча назарияни пропаганда қилиш ва халқаро хаёт — 31226. Коммунистик тарбия — 31455. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29065, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ В. 266. ИНДЕКС 64543. Р. 02420